*Илм — ўзни билмакдир*

# МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

*Халқ зиёлилари газетаси* | 1931 йилдан чиқа бошлаган | **1995 йил 1 февраль, чоршанба** | Баҳоси сотувда эркин нархда. 5 (6651)

*Иқтисодий билим асослари*

## МИСОЛЛАР ҲАЁТИЙ

*Бозор муносабатларига ўтиш фақатгина ишлаб чиқариш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари учунгина тааллуқли бўлмай, балки ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари учун ҳаётий зарурат бўлиб қолди. Ғарб мамлакатларининг кўпчилик мактабларида ўқувчиларга бир неча йиллар давомида иқтисодий билимлар асосий фанлар қаторида ўқитилмоқда. Мустақиллигимиз туфайли ўқувчилар бу соҳадаги дастлабки билимларни эгаллашлари учун умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув режаларига юқори синфлар учун "Иқтисодий билим асослари" курсига соатлар ажратилди.*

*Бизнинг мактабимизда 9—11-синф ўқувчиларига бу курс бўйича билим бериш тажрибали ўқитувчиларимиздан Улаш Туримов ва Тўйчи Бобомуродовларга топширилган. Ўқитувчиларимиз ҳар бир дарсни бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойиллари, ҳаётга, маҳаллий шароитимиз хусусиятларига боғлаган ҳолда ўтаётирлар. Дарсларда келтирилаётган рақамлар, далиллар мисоллар ҳам мактабимиз жамоаси фаолиятидан, яшаб турган "Ҳақиқат" жамоа хўжалиги эришган кўрсаткичлардан, туманимизда кейинги уч йилда эришилган ютуқлардан олинаётир. Масалан, курснинг "Даромадлар ва бюджет" мавзусини ўтишда ўқувчилар меҳнати билан мактаб тажриба ер участкасини ободонлаштириш ва ундан келаётган даромадлар ҳақида кенг ва атрофлича маълумот берилади.*

*Мактабимиз 1971 йилда ташкил этилган. Мактаб янтоқзор ўрнида қурилган бўлиб, унинг ҳовлисига мактаб директори Худойберди ака Ярашев раҳбарлигида жамоа кучи ва ўқучилар ташаббуси билан 2 мингдан зиёд терак, чинор, арча ва бошқа мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, меҳр билан парвариш қилинган эди. Уч йилдан сўнг мактабнинг ўз ҳисоби очилди. Шартнома бўйича жойларга арча, чинор, терак, ток кўчатлари етказиб берилди. Тушган пуллардан шоир Муқимийга ҳамда урушда ҳалок бўлган жангчиларга ёдгорликлар ўрнатилди.*

*Ҳозирги кунда терак ва толлар ривож топиб, мактаб учун салмоқли даромад манбаи бўлиб қолди. Ўтган йили туман хўжаликлараро қурилиш идораси билан шартнома тузиб, уларга 15 кубометр терак ёғочи тайёрлаб бердик. Ёғочнинг нархи 45 минг сўмни ташкил этди. Шу пулнинг 29 минг сўмига мактаб залларидаги ва синф хоналаридаги чириган полларни ялпи таъмирлашдан чиқардик. 170 квадрат метрли спорт зали ҳам ялпи таъмирланди. Аълочи ўқувчиларга стипендиялар беришни режалаштиряпмиз.*

*Яқинда шу ишларнинг ташаббускори, собиқ раҳбаримиз Худойберди ака Ярашев курснинг навбатдаги машғулотини олиб борди. У машғулотда бозор, иқтисодиёт, тежамкорлик масалалари тўғрисида атрофлича сўз юритди. Дарсда келтирилган ҳаётий мисоллар эса ўқувчиларда меҳнатга муҳаббат уйғотиш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш борасида беқиёс асос бўлиб хизмат қилди.*

*Мазкур курснинг бошқа мавзулари, машғулотларни республикамиз, вилоят ва туманимизда кейинги уч йилда қўлга киритган муваффақиятларимиздан мисоллар келтирган ҳолда ташкил этмоқдамиз. Қисқаси, бу курсни янада бойитиш ниятидамиз.*

**Эргаш НАМОЗОВ,**
**Яккабоғ туманидаги 59-ўрта мактаб директори, олий тоифали ўқитувчи.**



## ДАРС ЖОЗИБАСИ

Севара Аминова ўқитувчилик фаолиятини бошлаганига йигирма йил тўлди. Бу давр унинг педагогик маҳоратини ошириш учун ўқиш, ўрганиш, изланиш йиллари бўлди.

Ёшликдан она тили ва адабиётга ихлос қўйган, шу касбни ардоқлаш ниятида яшаган ўқитувчининг бугунги кунда камолот пиллапоясига кўтарилганининг гувоҳимиз. Ўтган давр мобайнида у ўз тумани, Бухоро шаҳри ва вилоятдаги кўплаб ҳамкасбларининг дарсларини кузатиб, илғор иш тажрибаларини амалга жорий этди. Шунингдек, турли миқёсдаги анжуманларда ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашди.

Ўқитувчи ўз фанига ўқувчиларда қизиқиш уйғотиш учун дарс беришнинг ранг-баранг усулларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Унинг "Чойхона — дарс", "Анжуман — дарс", "Мушоира — дарс", "Суд дарси", "Мусоҳаба — дарс" сингари ноанъанавий дарслари фақат ўқувчиларга эмас, балки тажриба ўрганиш мақсадида келган ҳамкасбларига ҳам манзур бўлганлиги бежиз эмас.

— Замонавий дарс ўтишнинг муайян мезони йўқ, — дейди ўқитувчи. — Дарснинг жозибаси, унинг самарадорлиги ўқитувчининг билим ва тажрибасига, педагогик маҳоратига боғлиқ. Ўқитувчи давр билан ҳамнафас бўлиб, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда давр руҳига мос дарс яратсагина унинг дарси замонавий бўлиши мумкин.

Севара Аминова ўқувчиларга она тили ва адабиётдан пухта билим бериш билан бирга уларга ижод сирларини ўргатмоқда. Мактабда ташкил этилган қўлёзма журналда ўқувчиларнинг шеър ва ҳикояларини бериб борилаётганлиги ёш ижодкорларни рағбатлантириш омили бўлиб хизмат қилаётир.

Бухоро шаҳрининг Тўқимачилик туманидаги 23-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Севара Аминова ўтган йили вилоят кўрик- танлови ғолиби сифатида "Йил ўқитувчиси — 94" республика кўрик-танловида муваффақиятли қатнашди.

**Ғафур МИРЗО.**

Суратда: С. Аминова она тили дарсида.

*Мактаб ва оталиқ ташкилоти*

## БИР КЕЛИБ КЕТИНГ, МАСКАНИМИЗГА

Бугун халқ таълими янгиланишлар жараёнини бошдан кечираётир. Агар Сурхондарё вилоятини мисол қилиб оладиган бўлсак, ушбу қийин кунларда ҳам таълим-тарбияни ибратли тарзда олиб бораётган мактаблар билан бир қаторда ишларни тақдирнинг ҳукмига ҳавола қилиб, парокандаликка йўл қўяётган маърифат даргоҳлари ҳам йўқ эмас. Масалан, айрим туманларда бўлганимизда деярли барча синфхоналардаги дераза ойналари синиб тугаган ва ўрнига фанер ёки тунука қоплаб ташланганининг гувоҳи бўлдик. Табиийки, ойналари йўқ ва бунинг устига иситилмайдиган синфхоналарда айрим кунлари дарс ҳам ўтилмайди. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчиси шундаки, муаллимларнинг маошлари ҳаттоки бутун ўқув йили давомида ҳам ўз вақтида ёки тўлиқ берилмаган, берилмаётган ҳоллар ҳам бўлаяпти.

Башарти ана шунга ўхшаш кўнгилга оғир ботгувчи манзараларни кўрганингиздан сўнг Термиз шаҳридаги Ал-Ҳаким ат-Термизий номидаги 93-ўрта мактабда олиб борилаётган ишлар билан танишсангиз "Ишласа бўлар экан-ку!" — дея тилингизга таҳсинлар кела бошлайди. Мактаб Ўзбекистон темир йўллари давлат ҳиссадорлик жамиятининг ўқув муассасаларига қарашлидир. Бундан 22 йил бурун ўз фаолиятини бошлаган мактабда айни кунларда 1238 нафар ўқувчи таълим олаяпти. Ўз вақтида амалга оширилган хайрли ишлардан бири шу бўлдики, бундан уч йил аввал мактаб учун уч қаватли бино қуриб берилди.

Табиийки, қувват манбаи қаерда экан, дейишингиз аниқ. Мана, улар танишинг.

**Термиз темир йўл Локомотив депоси;**

**Темир йўл тижорат маркази;**

**Термиз темир йўл маъмурияти.**

Мактаб жамоаси ҳомийларнинг сийлов ва ишончларини оқлаш учун нимаики қўлларидан келса — шуни қилаяптилар, десак муболаға бўлмас. Босиб ўтилаётган тақчиллик даврида болаларнинг илмдан бебаҳра қолмасликлари учун астойдил жон койитаяптилар. Ўтган йили шу мактабни битирган 30 дан зиёд ўғил-қиз мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртлари ва техникумларига ўқишга киришга муваффақ бўлдилар.

Қишки таътил кунларида эса муаллимлар жамоаси лотин имлосини ўрганишди. Ўқувни вилоят малака ошириш институти амалга оширди.

Дарвоқе, мактабга эндигина қирчиллама қирқ ёшга тўлган Йўлдош Мардонов директорлик қилади. У юрганда ҳам, турганда ҳам мактабнинг ютуқларидан қувониб, муаммоларидан куюниб юрадиган одамлар тоифасидан. Ишдан сўрасангиз, сал мактаб қўйсангиз, кўп хижолатга тушади. Ўзини ўнглаб олади-да, ҳомийларни, ёрдам бераётган бошқа ташкилотлар, ота-оналар қўмитаси, маҳалла қўмитасини таърифлай кетади:

— Гапнинг очиғи, агар ҳомийлар бизни қўллаб, саховатли кишилар ёрдам бериб туришмаса, бошқа айрим мактаблардаги каби бизда ҳам аҳвол чигаллашган бўларди, — дейди у. — Айниқса, Термиз темир йўл маъмурияти бошлиғи Отабек ака Раҳимов илмпарвар, зиёқалб инсон экан. Қачонки ёрдам сўраб борсак "йўқ" деганини билмаймиз. Тез-тез жамоамизни йўқлаб туради. Ўзингиз кўрдингиз — узунаси 30 метрлик ва эни беш ярим метрлик лимонзор қурдик. Кўчатларимиз авж билан ўсаяпти. Бу ерда ҳар хил кўкат ва помидор, қалампир, бақлажон кўчатлари етиштирамиз. Олган ҳосилни мактаб ошхонасида ишлатамиз, ортганини сотиб пул қиламиз. Ҳозирги пайтда лимонзор қуриш осонми? Битта чўп топиш амри маҳол. Лимонзоримиз қурилиши учун "Сурхон толаси" ассоциацияси ўн минг сўмлик тах-

Давоми 2-бетда.

## СОҒЛОМ АВЛОД ЮРТГА ҚАНОТ

Куни кеча республика Таълим илмий-методика марказида Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда ҳукуматга қарашли бўлмаган Халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан "Таълим олувчилар саломатлигини муҳофаза қилиш ва Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ўқув муассасаларида "Соғлом авлод учун" истиқбол дастурининг бажарилиши" мавзуидаги республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Уни халқ таълими вазири ўринбосари М. Султонов бошқарди.

Маънавий комилликни аслида жисмоний баркамоллик белгилайди. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил ноябрь ойида "Соғлом авлод учун" истиқбол дастурини қабул қилиши ўша комиллик сари илдам қадам бўлди.

Халқ таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ўз тасарруфидаги муассасаларда ушбу дастурни татбиқ этиш борасида талай ишларни амалга оширди. Ўтган йили халқ таълими ходимларининг 8 нафарига "Соғлом авлод учун" орденининг берилиши бунинг яққол далилидир. Лекин, мактабгача тарбия муассасалари, умумий ўрта таълим мактабларида саломатликни муҳофаза қилиш борасида талай муаммолар мавжуд.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги ўқувчиларнинг 20 фоизи соғлом, 47 фоизи бирор бир касалликка мойил, 33 фоизи у ёки бу касаллик билан хасталанган. Ҳарбий хизматга чақирилувчи ўсмирларнинг 19 фоизи соғлиги ёмонлиги туфайли даволаниш учун юборилди. Туғруқ ёшида бўлган аёлларнинг 60 фоизи камқонлик, юрак-қон томирлари хасталигига дучор бўлишган. Бу рақамлар иш кўлами нечоғли катта эканлигини кўрсатиб турибди. Шу боис, икки вазирлик ўртасидаги ҳамкорлик юқоридаги муаммолар ечимининг калити ҳисобланади.

Кенгашда "Соғлом авлод учун" истиқбол дастурининг бажарилишидаги янги йўл-йўриқлар, режалар белгилаб олинди.

Семинарда халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А. Ёрқуловлар маъруза қилишди.

Музокараларда ҳукуматга қарашли бўлмаган Халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Г. Йўлдошева, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Т. Атамуратов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Кенгашда болаларнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний саломатлигига масъул ҳар уч ташкилот вакиллари олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

**Мухбиримиз.**

*"Маърифат" хабарлари*

## ОЛИМПИАДА — БИЛИМЛАР НАМОЙИШИ

Шу кунларда шаҳримиз ва вилоятимизнинг барча туманларида фан олимпиадаларининг II босқичи ўтказилмоқда. Жумладан, Юнусобод туманидаги 273-мактабда "Ёш адабиётчилар"нинг анъанавий беллашуви бўлиб ўтди.

Беллашув қатнашчилари тест саволларига жавоб бериб, "100 ёшинг муборак, Қодирий бобо", "Гулла, яшна, ҳур республикам", "Буюк алломалар ҳаёти биз учун ўрнак", "Одоб-ахлоқ — инсоннинг ҳусни" мавзуларида ижодий иншо ёздилар.

Ўқувчилардан Адиба Абдуллаева (9-мактаб), Камолиддин Усмонов, Дилора Ҳожиева (21-мактаб), Маҳсума Мирсалимова (63-мактаб), Саодат Султонова (273-мактаб), Гулюз Валиевалар (274-мактаб) биринчи ўринни эгаллаб, шаҳар беллашувида қатнашиш ҳуқуқига эришдилар.

**Маҳмуда ЗОИРХОН қизи.**

●

## МАРДЛАР — ВАТАН ТАЯНЧИ

25-ўрта мактабда 1941-45 йилларда немис фашизми устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан Косонсой туман халқ таълими мактабларининг ҳарбий таълим ва фуқаро мудофааси ўқитувчиларининг туман семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш аъзолари ҳарбий таълим кабинети, ички жиҳозлар ҳамда спорт иншоотлари билан танишдилар, ҳарбий таълим дарсларини кузатдилар. Шундан сўнг ҳарбий таълим муаллимлари ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида жисмонан ва маънан соғлом қилиб тарбиялаш борасидаги иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

**А.ВАҲОБОВ.**

*Шу азиз Ватан барчамизники*

## ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ҲАММАГА ЗАРУР

Ота-боболаримиз қадимдан Ватан тақдири, озодлиги, келажаги учун қайғурганлар ва курашиб келганлар. Муқаддас ҳадиси шарифда: "Ватанни севмоқ — иймондандир", дейилган. Буюк алломаларимиз Ватан тўғрисида ажойиб сўзларни ёзиб қолдирганлар. Масалан, ўзбек педагогикасининг йирик намояндаларидан А. Авлоний ўзининг "Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ" номли китобида Ватанни севиш ҳақида: "Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг Ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр", — деб ёзади.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, ҳар бир нарса ўз номи билан аталадиган бўлди, иймон, эътиқод, миллат, Ватан каби тушунчалар ўзининг ҳақиқий маъноси ва ўрнини топиб бормоқда. "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ҳам умуминсоний қадриятларни, халқнинг тарихий тажрибасини, маданият ва фан бобидаги кўп асрлик анъаналар ривожини ҳисобга олган ҳолда давлат сиёсатини юргизиши таъкидлангандир. Шу нуқтаи назардан ҳозирги пайтда мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш соатларининг кўпайтирилиши, ўтмишдаги "оқ" ва "қора" доғларга муносиб баҳо берилиши, тарихнинг ўқилмаган саҳифаларини ўрганиш ҳамда ушбу фандан шаҳар, туман, вилоят, республика миқёсида турли беллашувларнинг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этаяпти.

Республикамиз умумтаълим мактабларида "Ўзбекистон халқлари тарихи"ни ўқитишдан мақсад — ўқувчиларда янгича илмий-тарихий тафаккурни шакллантиришдир. Шу билан бир қаторда ўлка тарихини ўрганиш ҳам ҳозирги куннинг муҳим масалаларидандир. "Ўзбекистон халқлари тарихи" дарсларида оз бўлса-да, ўлка тарихини ўрганишга маълум соатлар ажратилган, лекин бу соатлар ўлка тарихини тўлиқ ўрганиш имконини бермайди. "Ўзбекистон умумтаълим мактабларида тарих фани (курси)ни ўқитиш йўриқносмаси"да (1992 йил) ўлка тарихини ўрганиш бўйича бир қатор таклиф ва мулоҳазалар баён қилинган. Яъни йўриқномада тарих предметини ўқитиш биринчи босқич — бошланғич мактабларнинг 4-синфидан йўлга қўйиш, бунда ўз ўлкасининг тарихини ўрганиш таклиф этилади. Бу таклиф жуда ўринли бўлиб, уни Наманган вилояти тарих фани ўқитувчилари қўллаб-қувватлайдилар. Чунки ёш болалар оилада қишлоқ (шаҳар), туман, вилоятнинг ўтмиш тарихига доир суҳбатларни ота-оналаридан, бобо ва бувиларидан эшитадилар, ўзларича мушоҳада юритадилар. Уларда бу тушунчаларни чинакам билимга айлантириш эҳтиёжи туғилади.

Ўғил-қизлардаги тарихий ҳақиқатга қизиқиш эҳтиёжини ҳисобга олиб вилоятимиз мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида ўлка тарихини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. Тарих фани ўқитувчилари ўқиш иш режаларига ижодий ёндашиб, ўлка тарихини мустақил дарс сифатида ўтмоқдалар. Ҳар бир синфда 6—10 соатдан ўлка тарихини ўрганишга ажратилаётир. Ўқитувчилар бу дарсларни ўлка тарихини ўрганиш соатлари ҳисобидан ҳамда жаҳон тарихи фанидан айрим мавзуларни тиғизлаш ҳисобидан ўтмоқдалар. Булардан ташқари синфдан ташқари машғулотларда ўлкашунослик тўгаракларида ўлка тарихи ўқувчиларга чуқур тушунтириб борилмоқда.

Наманган вилоятининг ҳам ўзига хос ўтмиш тарихи ва маданияти бор. Вилоятнинг турли ҳудудларида бир нечта археологик манзилгоҳлар топилган ва фанга киритилган. Бу манзилгоҳлар ўлкамиз ўтмиш тарихидан кенг маълумотлар беради. Чуст тумани ҳудудидаги сўнгги бронза даврига мансуб Буонамозор, қулдорлик ва феодализм даврига оид Ахси, Косон (Косонсой) ҳамда 1988 йилда Поп тумани ҳудудидан топилган милоднинг 1 аср бошларига тааллуқли Мунчоқтепа қабристони шулар жумласидандир. Бу манзилгоҳларнинг айримлари тўғрисида "Ўзбекистон халқлари тарихи" китобининг 1-жилдида ҳам қисман маълумотлар берилган.

Ўқитувчиларимизга ўлкамиз ўтмишини дарсларда талқин этишга "Ўзбекистон халқлари тарихи" дарслиги, вилоятимизда яшаб ижод этган машҳур кишиларнинг асарлари, маҳаллий тарихчи олимларнинг китоблари ҳамда тажрибали ўқитувчиларнинг матбуотда эълон қилинган мақолалари, вилоят ўқитувчилари малакасини ошириш институти тарих фани маҳкамаси томонидан ёзилган услубий қўлланмалар ва тавсиялар асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай манбалар қаторида Исҳоқхон Ибратнинг "Таърихи Намангон" ("Мерос" — Камалак—1992), тарих фанлари номзоди, доцент Й. Қосимовнинг "Наманган тарихидан лавҳалар", "Қадимги Фарғона сирлари", "Қора кўзойнак билан ёзилган тарих", Поп туманидаги 6-ҳунар-техника билим юртининг тарих фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими А. Каримқуловнинг "Санг тарихидан лавҳалар" каби китоблари ҳам бор. Булардан ташқари вилоят "Мерос" илмий-маърифий маркази ўлка тарихини ўрганишга ўқитувчиларимизга катта ёрдам бермоқда.

Вилоят ўқитувчилари малакасини ошириш институти тарих фани маҳкамаси ҳам курс ўқув режасига бир қатор ўзгартишлар киритди. Айни пайтда курс тингловчиларига ўлка тарихи бўйича кенг илмий ва услубий билимлар берилмоқда, археологик манзилгоҳларга, "Мерос" маърифий марказига экскурсиялар уюштирилмоқда. Курс тингловчилари ижодий маърузалари (реферат-лар)ни ўлка тарихи бўйича ёзмоқдалар ва курс давомида уни ҳимоя қилмоқдалар. Шунингдек, институтда ўлкани ўрганиш хонаси ташкил этилган бўлиб, бу ерда вилоятнинг турли ҳудудларидан топилган археологик, нумизматик, ёзма манбалар, жой номлари топонимикаси ўрин олган.

Вилоятимизда ўқувчиларга она-Ватан тарихи, ўлка тарихидан чуқур билим бериб келаётган ижодкор ўқитувчилар ҳам кўп. Наманган шаҳридаги 3-мактабдан Т. Мамажонов, Уйчи туманидаги 31 ва 36-мактаблардан А. Дадахонов, Х. Мирзаев, Косонсой туманидаги 28-мактабдан М. Раҳимова, Тўрақўрғон туманидаги 15-мактабдан Э. Нишонов, Задарё туманидаги 19-мактабдан Э. Муродовлар ана шундай ижодкор ўқитувчилардандир.

Бироқ ўқитувчиларимиз "Ўзбекистон халқлари тарихи", ўлка тарихидан дарс ўтишда бир қатор муаммоларга ҳам дуч келмоқдалар. Ўлкада Шўро ҳокимиятини тиклаш учун курашган шахслар, ҳужум ҳаракати, жамоалаштириш даврларининг фаол раҳбарлари ва иштирокчилари ҳаракатларига баҳо бериш масаласи ва бошқалар ана шундай муаммолардандир. Ҳолбуки, бу давр фидойилари бўлган шахсларнинг номлари абадийлаштирилиб, кўчаларга, мактабларга уларнинг номлари берилган, ёдгорлик лавҳалари ўрнатилган. Шунинг учун тарихчи олимларимиз Ўзбекистонда Шўро ҳокимиятини тиклаш ва мустаҳкамлаш масаласида, умуман, Шўро даври ҳақида ўзларининг янгича фикрдаги илмий мақолаларини севимли газетамиз орқали эълон қилиб борсалар, биз ўқитувчиларга катта ёрдам бўларди.

Умуман, жонажон ўлка, унинг бой ўтмиши ва ҳозирги кунини ўрганиш ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтиради, уларда ўз она юрти ва меҳнаткаш халқига меҳр-муҳаббат туйғуларини кучайтиради, ёш авлодни ватанпарварлик ва фидокорона меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

**Турғунпўлат ҲАКИМОВ,**
**Наманган вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти тарих кабинети мудири.**

*Кўрик-танлов олдидан*

## ҲОМИЙЛАР КЕРАК

Шу йилнинг 21-23 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ўқув муассасалари ўртасида "Оригинал кўргазмали қуролларни яратиш" бўйича Республика кўрик-танловини ўтказиш режалаштирилмоқда. Шу кунларда Республика таълим илмий-методик марказига республикамиз вилоятларининг турли мактабларидан ижодкор ўқитувчиларимиз тайёрлаган кўргазмалар олиб келинмоқда. Айниқса, бошланғич таълимнинг фидокорлари бу ишда пешқадамлик қилмоқдалар. Электрон таблолар, қизиқарли, жумбоқли стендлар, дарслар учун кўргазмали ишланмалар, топшириқли дидактик карточкалар ва бошқа турдаги кўргазмали қуроллар бошланғич синф ўқитувчилари ижодидан бўлиб, тиниб-тинчимас ўқитувчиларимизнинг бир неча йиллик изланишлари, меҳнатлари натижасидир.

— Мен ўқувчиларимизга ҳар бир маълумот ва тушунчани кўргазмали тарзда етказишга ҳаракат қиламан, — дейди Андижон вилояти Избоскан туманидаги 21-мактаб муаллимаси Донохон Маҳмудова. — "Аъло баҳоланинг!", "Ўзингизни синанг!", "Ким кўп билади? электр таблолари ўқувчиларимнинг билимларини синашда, мустаҳкамлашда ва дарсларни қизиқарли уюштиришда ёрдам беради. Улардан фойдаланиб болалар ўз билимларини ўзлари баҳолайдилар. Кўргазмали қуроллардан фойдаланиш болалар нутқини ўстириш ҳамда хотирасини мустаҳкамлашдан ташқари кичик ёшдаги ўқучиларни мураккаб билимларни осон ва енгил ўйин тарзида ўзлаштиришларига имкон беради.

Сирасини айтганда, Донохон Маҳмудова сингари жуда кўплаб ижодкор муаллимлар танловда қатнашиш истагини билдирганлар. Ўйлаймизки, кўрик-танловда қатнашувчи ўнлаб новатор ўқитувчиларимиз ижодий ишлари мутахассислар, педагоглар ва ҳомийларни бефарқ қолдирмайди.

**Сафура САЪДИЕВА.**

# БИР КЕЛИБ КЕТИНГ, МАСКАНИМИЗГА

Боши 1-бетда.

тани текинга берди. Қурилишга сарф бўлган ишчи кучи ва бошқа маблағлар эса асосан жамоамиз ҳисобидан бўлди. Агар бу мақола газетада чиқадиган бўлса, унда яна бир нарсани ёзиб қўйсангиз, яъни Ўзбекистон темир йўллари давлат ҳиссадорлик жамиятининг ўқув муассасалари бўлими бошлиғи Алишер Ўрмонов мактабимизнинг ҳолидан доимо бохабар бўлиб туради. У ваъда ва қуруқ гапни эмас, амалдаги ишни яхши кўрадиган ва шунга қаттиқ амал қиладиган одам.

**— Йўлдош ака, ҳозир мавжуд турли сабаб-важларга кўра муаллимларнинг ўз касбини ташлаб кетиш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Сизларда бу масала қандай бўлаяпти?**

— Ҳомийларнинг, ғамхўр жамоалар, саховатли кишиларнинг шунча кўп иззат-икромлари, сийловларини пешбой тепиб кетган муаллим бу энди муаллим эмас. Бизда аксинча: биласизки, Термиз шаҳри билан Жарқўрғон туманининг ораси 45 километр. Ана шу тумандан мактабимизга икки муаллим қатнаб ишлашади. Уйларига поездда бориб-келишларини эса бепул қилиб берганмиз. Бундан ташқари, кўплаб муаллимлар биздан иш сўраб келишади. Штатимиз белгили, иложимиз йўқлиги, қолаверса, муаллимларимиз етарли эканлигини тушунтиришдан ўзга чорамиз йўқ.

... Агар мактаб ишларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсангиз, имкониятлар худди аввалги йиллардагидан кам эмаслигини илғайсиз. Масалан, ҳар ойда республикамизнинг турли шаҳарларига, хусусан, Тошкент, Самарқанд, Бухорога мактабдан икки-уч нафар ўқитувчи малака ошириш, тажриба алмашишга бориб келишади. Борди-келди харажатлар билан мактабнинг иши йўқ.

Шу йил январь ойининг бошида мактабда кўп йиллар ишлаган ўн нафар муаллимни қарилик нафақасига кузатиш маросими бўлди. Катта ҳозирлик кўрилган маросим кутилмаганда тантанали тус олди. Заҳмат билан ишлаган муаллимларнинг иззат-ҳурмати жойига қўйилди. Шу куни қўй сўйилди, катта дастурхон ёзиб, зиёфат берилди. Зиёфатда нафақага чиқаётган ўн муаллимдан ҳар бирининг шаънига илиқ ва кўпдан-кўп таърифлар айтилди ҳамда банорас тўн, чуст дўпписи, белқарс, муаллималарига эса рўмоллар ҳадя қилинди. Нафақага кузатиш маросими кунида темир йўл раҳбарлари, вилоят халқ таълими бошқармаси ва Термиз шаҳар халқ таълими бўлими етакчилари, нуфузли ота-оналар, маҳалла қўмиталарининг раислари иштирок этишди. Бунчалик иззат-икромдан ҳаттоки, кекса муаллимлар кўзларига ёш олишди. Одамзод яхши жойда ишласа, пешона тери тўкса, бежиз кетмас экан-да, деган ёруғ бир фикр кўпларнинг кўнглидан кечган бўлса ажаб эмас. Шу куни созандаларнинг сирли наволари, ҳофизларнинг гўзал қўшиқлари, дилдан чиқариб айтилган сўзлар — бари-бари жам бўлиб, ажиб бир дилбар таассурот қолдирди. Тантанали маросимни ҳатто вилоят телевидениеси орқали ҳам кўрсатишди.

***

Мактаб ота-оналар қўмитаси раиси Омон Норпўлатов жамоанинг ҳар бир ишида бошқош бўлиб турадиган, тиниб-тинчимас кишилардан. Мактаб директори Йўлдош Мардоновнинг айтишича, бирон-бир тадбир, йиғилиш, у кишининг иштирокисиз ўтмас экан, муаммолар биргаликда ечилар экан.

— Биласизми, мен аслида жамоадан ёлчиган директорман, дейди Йўлдош Мардонов чиройи очилиб. — Нимаки иш қилсак, кўплашиб, бамаслаҳат қиламиз. Агар мен бирон бир ишни айтсам, ҳамма жамулжам бўлиб уринади, маъқул таклиф айтсам, қўллаб-қувватлашади.

**— Кўриб, эшитиб шунга амин бўлдимки, Сизнинг мактабингизда яхши ишлар кўп экан. Бундан чиқди — ташвишингиз кам экан-да?**

— Нега энди? Ҳар қандай шароитда ҳам мактабда ташвиш, муаммо етарли бўлади. Фақат бизда бошқа мактаблардагидан кўра имконият кўпроқ. Биласизми нима, бизга кучли физика ва химия ҳамда биология муаллимлари керак. Ҳозир чет тилларни ўрганиш давр талаби бўлиб турибди. Қани энди — инглиз, француз, шарқ тилларидан бинойидек қилиб дарс берадиган, тил ўргатадиган пишиқ муаллимларимиз бўлса эди.

**— Йўлдош ака, Термиз давлат университети ҳар йили сиз тилга олган мутахассисликлар бўйича кўплаб муаллимлар етиштириб бераяпти-ку!**

— Тўғри, дипломли мутахассислар бор, лекин давр талабига жавоб бера оладиган, чуқур билимга эга бўлганлари жуда кам. Буни мен осмондан олиб гапираётганим йўқ, балки иш тажрибамдан, кузатишларимдан келиб чиқиб айтаяпман...

***

Агар йўлингиз тушса, биз тилга олган ушбу мактабнинг иши билан бир танишиб кетинг, таассуротингиз ёмон бўлмайди. Агар иш одамига тушса, ҳомийларига, илмпарвар одамларига йўлиқса, ҳамма замонда ҳам яхши бўлажагига ишонч ҳосил қилиб қайтасиз.

**Маҳмуд АБУЛФАЙЗ.**
**Сурхондарё вилояти.**

*Бир туман янгиликлари*

## ҒАМХЎРЛИК

**Челак туманида ҳокимдан тортиб, раисгача ҳамма-ҳамма раҳбарлар ўзини маориф ишига масъул деб ҳисоблайди. Шу туфайли ҳам туман мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари қиш чилласи ҳукм сураётган айни кунларда ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Яқинда 25-ўрта мактабнинг спорт зали қайта таъмирдан чиқарилди. "Оққўрғон" жамоа хўжалиги ҳудудидаги 30-ўрта мактаб ҳам тўлиқ таъмирланди.**

**Мазкур жамоа хўжалиги раҳбари Тошпўлат Эшмуродов 30-ўрта мактабнинг аълочи ўқувчилари ва энг яхши синфлар учун ойлик стипендиялар беришни жорий этди. Ўқитувчилар ҳазиллашиб "Эшмуродов стипендияси" ном беришган бу стипендияни олаётган ўқувчилар сони кўпаяётганлигидан муаллимлару ота-оналар, ҳатто раиснинг ўзи ҳам хурсанд.**

**Яна шуниси ҳам қувонарлики, туман ҳудудидаги мактабларни қишки иситиш ишларини кўнгилдагидек ўтказиш учун ҳам жавобгарликни раҳбарлар ўз зиммаларига олишган.**

## ҚИЗИҚУВЧАН БОЛАЛАР

**Челаклик Маҳмуджон ака болажон одам, туман болалар ва ўсмирлар ижодиёт уйида раҳбар. Кирим-чиқимни биладиган одамки, ишлари ёмонмас, тўгараклари мунтазам ишлабгина қолмай вилоятда байроқдор ҳам. Масалан, Меҳринисо опа Умарова раҳбар бўлган мусиқа тўгарагида 90 ўқувчи ўз истеъдодини чоғлаяпти. Инсон истеъдод билан туғилади, уни боланинг ўзи билан уйғунликда улғайтириш муҳитга, юртдаги шабадалар тупроқнинг тусига боғлиқ деганлар донишлар. Тупроғимиз олтин, юртнинг келажаги порлоқ, юртбошимиз болажон, одамларимиз саховатпеша. Демак, бу тупроқда Мағрибу Машриқнинг бошини қовуштиргувчи закийлар улғаймоғи керак. 38 та мактабда 40 дан зиёд тўгараклар ташкил этиб, ҳозиргача 1000 дан ортиқ йигит-қизни вилоятда номдор қилган Маҳмуджон ака Исоқуловнинг фалсафаси шу. Яқинда у Неъмат Ашуров билан бирга радиотехника тўгарагига 90 нафар ўқувчини қабул қилди. Барчаси қизиқувчан болалар.**

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ.**

# *Ижодкорлар беллашди*

Яқинда Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим-илмий методика маркази ҳамда ўзбекистон информатика ўқитувчилари ва мутахассисларининг "Истиқбол" уюшмаси "Компьютер саводхонлиги бўйича ўқув-методик адабиётлар ва педагогик дастурлар кўргазмаси"ни ўтказди. Бу кўргазмада барча вилоятлардан келган ижодкор ўқитувчилар, мутахассислар ва олимлар иштирок этдилар. Кўргазмага қўйилган талаб ва унинг мақсади ҳақида Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари Х.Маъсудов маъруза қилди. Жумладан, у шундай деди:

— Кўргазмани ўтказишдан асосий мақсадимиз, ижодкор, ихтирочи ўқитувчилар ва қўлланмалар яратувчи муаллифларни қўллаб-қувватлаш, ноёб методик адабиётлар педагогик дастур воситаларини, дидактик кўргазмали қуролларни топиш ва бу ишларнинг муаллифлари билан шартнома тузиш ҳамда Республикамиздаги барча ўқув юртларига кўпайтириб етказишдан иборатдир.

Шундан сўнг академик Восил Қобулов "Мустақил республикамизнинг ривожланишида информатика фани аҳамияти" хусусида, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ҳ.Нормуродов вилоятда информатика ва компьютер савдохонлиги бўйича олиб бораётган ишлар, Ҳакамлар ҳайъати раиси, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти кафедра мудири Анвар Баҳромов бу кўргазмага қўйилган ишлар олдинги кўргазмаларга нисбатан сезиларли даражада ўзгаргани ва у кўргазмада иштирок этаётган ишлар ичида аъло даражада бажарилганлиги ҳақида атрофлича сўз юритдилар.

Маърузалардан кейин, муаллифларнинг ижодий ишлари билан танишилди. Тошкент вилояти педагогик ходимлари малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси Ф.Ҳасанов томонидан "Правец-8" компьютерлари учун 8-9 синф дарслигига мос қилиб яратилган педагогик дастурлар мажмуаси, Самарқанд вилояти Паст Дарғом тумани ўқитувчилари Э.Отамуродов, Ж.Абдуллаевларнинг "Корвет" компьютерлари учун яратилган "Ўқитувчининг автоматлаштирилган иш ўрни" дастурий тизими, Термиз шаҳридаги 12-мактаб ўқитувчиси М.Ёқубов тайёрлаган "Дидактик материаллар" каби ишланмалари кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазмага қўйилган 120 га яқин ишлардан қуйидаги ўқитувчиларнинг ишланмалари юқори совринга мувофиқ деб топилди:

Педагогик дастур воситалари бўйича М.М.Синильников, Т.Азларов — Тошкент шаҳри, Э. Отамуродов, С. Отамуродов, Ж. Абдуллаев — Паст Дарғом тумани, Ю.Кулимбетов — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли шаҳри;

Ўқув-методик адабиётлар бўйича Х.Нуралиев — Сирдарё вилояти, С.Тожибоев — Наманган вилояти, С.Пўлатов, В.Исмонов — Андижон вилояти.

Кўргазмали қуроллар бўйича Ф.Ҳасанов — Тошкент вилояти, М. Ёкубов — Сурхондарё вилояти, Т. Раҳмонов, Ш. Акбаров — Самарқанд шаҳри.

Ғолибларга Халқ таълими вазирлиги "Истиқбол" уюшмасининг мукофотлари топширилди.

Кўргазмада олимларимиз томонидан яратилган қўлланмалар, педагогик дастур воситалари, слайда мажмуаси ҳам намойиш этилди. Жумладан, Низомий номли педагогика институти доценти Ю. Курмонбоевнинг "Правец-8" компьютерлари учун педагогик дастурлар мажмуаси, ТошДУ катта ўқитувчиси А. Абдуғаниевнинг "Агат" компьютерлари учун педагогик дастурлари ҳамда Республика таълим илмий-методик марказининг бош методисти А.Далиевнинг ИҲТА фани бўйича қўлланмаси ва слайдалари иштирокчилар томонидан юқори баҳоланди ва ҳакамлар ҳайъати қарори билан республика ўқув-муассасаларига тарқатиш учун тавсия этилди.

**Т.ҲАЙДАРОВ,**
**"Истиқбол" уюшмаси директори,**

**Б.БОЛТАЕВ,**
**Республика таълим илмий методика маркази бўлим бошлиғи.**





*"Йил тарбиячиси" кўрик-танлови*

## Болажон мураббиялар

*Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 148-мактабда туман мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда тарбиячилар ўзларининг билимдонлиги ва маҳоратларини намойиш этдилар. Кўрик-танлов якунига кўра, "Тракторсозлар" корхонасига қарашли боғча тарбиячилари Шаҳло Шоносирова билан Таня Новошиналар биринчи ўринни, 446-боғча тарбиячиси Зулхумор Холмирзаева иккинчи ўринни эгалладилар.*

**Мухбиримиз.**
**Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.**





## МУБОРАК РАМАЗОН ТУҲФАСИ

**Миср ва Ўзбекистон Республикалари ўртасидаги оммавий ахборот алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Матбуот бюросининг раиси жаноб Магди Дайф Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш қилиш учун араб телевидениеси томонидан тайёрланган ва 30 қисмдан иборат "Муҳаммадур Расулуллоҳ" кўп серияли фильмини тақдим этди. Бу фильмни телетомошабинлар муборак рамазон кунларининг ҳар оқшомида биринчи канал орқали томоша қилишлари мумкин.**

**Фильмда Омина Ризқ, Абдулла Ғийз, Ҳамдий Ғийз, Муҳаммад аз-Дафравий, Санъа Мазҳар каби бир қатор Миср кино усталари ва кино юлдузлари иштирок этишган.**

**Фильм мусиқаси ва диний қўшиқлар Йасминал-Ҳаййам томонидан яратилган бўлиб, у диний нашида ва мусиқалар бўйича йирик мутахассис ҳисобланади.**

*Ўқитувчига ёрдам*

## АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА "ҲАДИС"

Бадиий адабиётга, санъатга меҳр қўйган авлод ҳамиша энг илғор, энг мукаммал авлод бўлиб келган. Адабиёт — инсон маънавиятининг юксаклигини, мукаммаллигини таъминловчи воситалардан бири.

Унинг асосий ғояси эса инсонни улуғлаш, эзгуликни, адолатни, эркни, чинакам инсоний дўстликни, меҳр-шафқатни тарғиб этишдир. Бадиий адабиёт инсоншунослик экан, у диний эътиқод қомуси бўлган муқаддас китоб Қуръони Карим билан узвий боғлиқдир. Ислом дини дунёдаги энг инсонпарвар, адолатпарвар, маърифатпарвар динлардан ҳисобланади, унинг муқаддас китоби Қуръони Карим ва Ҳадислар мактабда ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, узоқ йиллар дин қораланиши натижасида бир неча авлод бу жавоҳиротдан маҳрум бўлди. Натижада улар қалбидаги эзгуликка дарз кетди. Мактабларимизда ҳар бир дарс инсон қудратини улуғлашга бўйсундирилди.

Адабиёт ҳар жиҳатдан Қуръони Карим ва Ҳадисга яқин турувчигина эмас, балки ҳар томонлама чамбарчас боғлиқ бўлган фандир. Қуръони Карим ҳам, Ҳадислар ҳам аслида сўз дурдоналари бўлган адабий асар. Бу эса адабиёт дарсларида Қуръони Карим суралари ва оятларидан, Ҳадислардан ўринли фойдаланишга катта имкон беради.

Инсоният пайдо бўлибдики, унинг ақл мўъжизаси сифатида юзага келган сўз санъати ҳам у билан ёнма-ён. Йиллар оша янги-янги кашфиёту сўз дурдоналари билан бойиб, инсон ахлоқининг мукаммаллашувига хизмат қилиб келмоқда. Ахир адабиёт сўзи ақл, одоб сўзининг мужассами эканлиги қадимдан ҳаммага маълум ҳақиқат. Ёки энг қадимги вазн сифатида мусулмон оламига машҳур вазн— аруз "арз қилмоқ" сўзидан келиб чиққанлиги-чи?

Аруз — инсон қалб тугёнларининг, исёнларининг яратганга арзи, мурожаати эмасми? Ҳадислардаги "Баъзи бир сўзда сеҳр, баъзи бир шеърда ҳикмат бордир" сатрларини келтириш, ўқиб бериш ўринли. Ҳадислардаги "Илм олиш ҳар бир муслим ва муслималар учун фарздир", "Илму ҳунарни Хитойдан бориб бўлса ҳам ўрганинглар", "Илм-ибодатдан афзал...", "Илмни ёзиш билан кишанланглар", "Олим бўл, ёки илм ўргатувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ёки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан, "каби ҳикматдир.

"Ҳамза — маърифатпарвар шоир", "Аваз Ўтар — маърифатпарвар", Аваз Ўтарнинг "Тил" шеъри, "Фурқат — илм-маърифатни улуғловчи шоир", "Илм хосияти", "Виставка хусусида", А. Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достони, Бобурнинг рубоийлари ва бошқа маърифатпарварлик мавзуларида ўтиладиган ҳар дарсга эпиграф қилиб олиб, ўқувчилар онгига сингдирмоқ лозим.

Фирдавсий, Рудакий, Лутфий, Жомий, Навоий, Бобур каби буюк боболаримиз ҳар бир асарини бошлашдан олдин Оллоҳга мурожаат қилиб, ундан нажот, илҳом кутадилар. Шоир Машраб: "Он қадар нурга тўлибмен, ер-осмонга сиғмадим", — деб нола чеккандa Тангрининг иноятии — илҳом кучи туфайли "Нурланганини" назарда тутдимикан? Ҳолбуки, биз Машрабни даҳрий шоир сифатида ўқувчига тақдим этдик. "Хато"ларимизни ювиш фурсати келди.

"Машраб — исёнкор шоир" сифатида ўқувчига талқин қилинганда Қуръони Каримнинг "Бақара" сураси, 138-ояти "Оллоҳнинг рангила рангинмиз, Оллоҳнинг ўзи ранг берувчидир", Ҳадислардаги "Мўмин кишиларнинг фаросатли назаридан эҳтиёт бўлинглар, чунки у Оллоҳнинг нури билан қарайди" сатрлари мавзуга боғлаб ўтилса жоиздир.

Навоий ўзининг буюк "Хамса"сини ёзишда дастлаб Оллоҳга мурожаат этади, илҳом сўрайди. Устозларидан ижозат, маслаҳат олади, буни шоир тушида кўради, туш лавҳаларини тасвирлайди. Буни ўқувчига тўлиқ ва таъсирли қилиб етказиш лозим. Чунки бу ўқувчиларга устозга ҳурмат, эъзоз туйғуси тимсоли бўлиб таъсир этади. Ҳадислардаги ушбу сатрлар эса бу ҳолатга ҳамоҳанг: "Сўзнинг энг ҳурматлиси Оллоҳнинг зикридир", "Катта ёшлилар билан аралашинглар, олимлардан сўранглар", "Донолар билан маслаҳатлашинглар". Шунингдек, "Фарҳод ва Ширин" достонида халқлар дўстлигининг улуғланиши" мавзуи ўтилганда "Ҳадис"лардаги "Дунёдаги барча инсонлар баробардир. Насаб, ранг ёки ирқ ўз-ўзича инсонни — яхши-ёмон этолмаган" сатрларини кўргазма қилиб доскага илиб қўйган маъқул.

8-синфда Ғ. Ғуломнинг "Сен етим эмассан" шеъри ўтилганда Ҳадислардаги "Дилинг юмшаб, ҳожатинг равон бўлишини хоҳласанг, етимга раҳм қил, бошини сила, овқатингдан едир, шунда дилинг юмшайди ва ҳожатинг чиқади", "Оллоҳ Таолонинг хонадонларингиз ичида энг севимлиси етим асраб, яхши боқаётган хонадондир", "Мен сизга етимнинг ҳаққини ҳаром қилдим" каби сатрлар ўқиб берилади ва мавзуга боғланади. XI синфда 60—90 йиллар адабиёти бўлими ўтилганда, бадиий адабиёт бу йилларда ҳам энг инсонпарвар, тинчликсевар куч бўлиб майдонга чиққанлигини изоҳлар эканмиз, ҳар бир яратилган асар "Ҳадис"лардаги "Бир-бирингизга қўл бериб, сўрашиб юринг, шундагина кўнглингиздаги гилу-ғашлик кетади", "Ораларингизда салом беришни кенг тарқатинглар, бир-бирларингга муҳаббатларинг зиёда бўлади" сатрларидаги ғояни мужассамлаштирганини таъкидлаб ўтамиз.

Ислом дини аёлларнинг ҳимоячиси, уларни нозик гул каби эъзозловчи, ҳақ-ҳуқуқларининг муқаддаслигини таъминловчи дин эканлиги бугун бизга аниқ ва равшан. Биз эса аксинча тушунча билан ўсдик, ўқувчиларимизга ҳам шу тушунчани сингдириб келдик. Яъни "Ислом дини хотин-қизларни одам ўрнида кўрмаган "Ожиза" деб камситган, тўрт деворга қамалиши тарафдори бўлган" деб. Бу, айниқса, Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг "Ўзбек хотин-қизларига" шеъри ўтилганда кўпроқ таъкидланарди. Кўрдикки, биз ўзимиз нотўғри тушунчада эканмиз. Бу шеър бадиий асар сифатида яхши асар. Биз буни давр, шароит билан боғлашимиз лозим. XIX аср охири ва XX аср бошларида шарқ халқлари ҳаётидаги таназзул, зўрлаб жаҳолат ва саводсизлик чоҳига ташланиш, Ислом дини ва халқ ўртасида урилган "Хитой девори"дан изламоғи керак унинг сабабларини. Аксинча, Ҳадислардаги "Сизларнинг яхшиларингиз хотинларига яхшилик қилувчиларингиздир", "Аёллар эркакларнинг туғишган сингилларидир", "Аввал онангизга, яна онангизга ва яна онангизга, сўнгра отангизга яхшилик қилинг", "Аёлларни эъзозланг, ёдингизда бўлсин: жаннат оналарнинг оёғи остидадир", — каби сатрлар билан безамоқ керак бу мавзуни.

Хуллас, Қуръони Каримдаги оятлар, пайғамбаримиз Ҳадисларидан ҳар бир мавзуга мос сатрларни тўғри танлаб, ўқувчига етказа олсак, мустақил жумҳуриятимизнинг муносиб фарзандларини тарбиялаш ишига баҳоли қудрат ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Момохол ЭЛМУРОДОВА,**
**Қамаши туманидаги 63-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.**

*Таклиф*

## ШАРТ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛСА...

***Ўқитувчилар ҳар беш йилда бир марта аттестациядан ўтиши маълум. Аттестация натижаларига кўра унга муносиб тоифа белгиланади. Баъзи мактаб раҳбарлари томонидан ўқитувчига берилган тоифа меҳнат дафтарчасида қайд этиляпти экан. Бундан буён ҳар бир ўқитувчининг тоифасини меҳнат дафтарчасига ёзиш шарт қилиб қўйилса, мутахассис бошқа ишга ўтганда унинг лаёқати аниқ маълум бўларди.***

**Р. ТИЛЛАЕВ,**
**Тошкент туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси.**

## "ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ-95"

*Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги А.Навоий номли мактабда турли тадбирлар, қизиқарли кечалар ва беллашувлар ўтказиш анъанага айланган. Шу боисдан ҳам ушбу илмгоҳ ўқувчилари зукко, фанларни тўлиқ ўзлаштириб, олимпиада ва беллашувларда туман, вилоятда ҳамиша илғорлар сафидан жой эгаллайди.*

*Яқинда мактабда яна бир тадбир — "Ўқитувчи-95" танлови бўлиб ўтди. Танлов шартларига кўра ўқитувчилар уч йўналишда билим ва маҳоратларини синаб кўрдилар. География ўқитувчиси Майсара Эргашева биринчи, бошланғич синф мутахассиси Зебунисо Бекова иккинчи, математика ўқитувчиси Мавлуда Раҳимжонова эса фахрли учинчи ўринни эгаллаб, ғолиб деб топилдилар.*

*Беллашув сўнгида мактаб жамоаси ҳамда касаба уюшма қўмитаси ғолибларни пул мукофоти, эсдалик совғалари билан тақдирлади.*

**Эркин ШОКИРОВ.**

*Синаб кўринг!*

## ЎҚУВЧИНГИЗ ҲУСНИХАТМИ?

Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида ҳуснихат учун соат ажратилган. Ана шу машғулот дарсларида жажжи ўқувчилар чиройли ёзув билан мунтазам шуғулланадилар. Улар машқи ўқитувчилари томонидан текширилиб, назорат қилиниб, баҳоланиб, рағбатлантириб борилади. Бироқ ўқувчилар бошланғич синфлардан таянч, ўрта мактабларнинг юқори синфларига ўтиши билан ҳуснихат сабоғидан узоқлашиб,б ўзлари билганларича ёзибчизадилар, аста-секин чи-и ройли ёзувни унутадилар. Ўз ҳолича иш кўраётган бундай ўқувчилар кейинчалик бадхат талаба, мутахассис бўлиши табиий. Юқори синфларнинг ўқув дастурида ҳуснихат сабоғи учун махсус соат ажратилмагани сабабли бу машғулотга масъул бўлган ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари эътибор беришга вақт топа олмаяптилар.

Ота-оналар, ўқитувчилар ўз фарзанд-шогирдларининг саводхон, маълумотли, ҳунарли, ҳуснихатли мутахассис бўлишини орзу қиладилар. Келажакда шогирдларим ўз бадхатликларидан уялиб, қийналиб, пушаймон бўлиб юрмасликлари учун мен қуйидагича чора-тадбир қўллаяпман: ҳар ойлик, чораклик диктант, баён, иншо каби ёзма ишлардан сўнг ўқувчилар хатосини таҳлил қилиб, бадхат ўқувчиларга газета-журнал, бадиий асарлардан ҳар куни махсус юритилаётган ёзув дафтарининг бир бети ҳажмида парча, лавҳани чиройли ёзув қоидасига биноан кўчириб ёзишни топшираман. Вақти-вақти билан топшириқ ижроси текширилиб, ижобий ўзгариш қилган ўқувчиларни рағбатлантириб боряпман. Натижа ёмон бўлмаяпти. Ёш ҳамкасбларимга шундай иш усулини ўз фаолиятларида синаб кўришларини тавсия этаман.

**Насриддин ЭШҚУВВАТОВ,**
**Паст Дарғом туманидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси.**

*Назария ва амалиёт*

# Физика фани: бугун ва эртага



**Раҳим БЕКЖОНОВ,**
**Ўзбекистон ва АҚШ Нью-Йорк Фанлар академияларининг академиги**

Фаннинг дунёдаги роли ва унга сарфланаётган маблағларни назарда тутганда, илмий тараққиётнинг механизми, анъаналари ва қонуниятларини ўрганиш ҳозирги даврда объектив заруриятга айланди. Фан ривожланишининг жамият олдига қўйган муаммоларини ҳал этиш учун у ҳақдаги умумий мулоҳазалар ва олимларнинг шахсий тажрибалари кифоя қилмай қолди. Умумий ишлаб чиқаришнинг махсус ва ишга хос соҳаси сифатида илмий-тадқиқот фаолиятининг у ёки бу жиҳатларини мустақил равишда маълум мақсад асосида тадқиқ этиш лозим.

Ҳар қандай фан каби физика ҳам соф назарий билимлар манбаи бўлиши билан бирга баъзи бир амалий мақсадларга ҳам хизмат қилади. Жамиятнинг илмий мақсадларга мўлжаллаб фанга ажратадиган маблағлари чегараланган. Берилган маълум миқдордаги ресурсга қараб биз физиканинг максимал даражада илмий маҳсулот олиш йўллари ва воситаларини топишга қаратилган амалий мақсадини белгилаб беришимиз мумкин. Илмий маҳсулот деганда, биз нафақат фундаментал кашфиётларни, балки тадқиқот натижалари хулосаларни, техник ечимлар ва янги техниканинг технологик, конструкторлик ишланмаларини ҳам тушунишимиз керак. Ресурслар эса, биринчи навбатда, фан ходимлари, моддий омиллар ва жамиятда тўпланган билимлар кўламидан иборат. Демак, мақсад илмий фаолият самарадорлигини оширишга йўналтирилган бўлиши керак. Бироқ фанни амалий бошқариш ҳам худди ана шу мақсадни кўзда тутади. Фанни бошқариш ҳозирги кунда объектив реалликка айланиб, гап уни қандай бошқариш устида боради. Кейинги ўн йилликда "раҳбарлик", "бошқариш" каби тушунчалар маъноси тубдан ўзгарди. Шу вақтгача биз "бошқариш санъати", "раҳбарлик истеъдоди" ҳақида гапирган бўлсак, эндиликда "илмий асосда бошқариш", "раҳбарликнинг илмий усуллари" тўғрисида сўзлашга ҳаракат қиламиз. Бунга сабаб, бир томондан, бошқариладиган объектларнинг мураккаблашганлиги ва қарор чиқариш учун лозим бўлган маълумотларнинг турли-туманлиги бўлса, иккинчи томондан, физиканинг ҳозирги замон ютуқларидир.

Асримиз — физика соҳасида салмоқли ютуқлар асри, кутилмаган, чуқур ва тўлқинлантирувчи кашфиётлар асри. Бу кашфиётлар амалда қўлланиши натижасида инсоннинг турмуш шароити анча ўзгарди. Кейинги бир неча йиллар мобайнида ҳаётнинг турли хусусиятларини билиб олиш борасида улкан муваффақиятларга эришилди. Ҳозирги кунда физиклар материянинг қонунлари ва унинг табиатини ўрганишдек ўта мураккаб иш билан машғуллар. Инсон фаолиятининг катта бир йўналиши, фаннинг анча илгарилаб кетган соҳаси — ҳозирги замон физикаси тўғрисида гапирар эканмиз, таққослаш йўли билан таҳлил қилмай бўлмайди. Унинг ёрдамида фаннинг жамият ҳаётидаги ролини, илмий тадқиқотларнинг усул ва шакллари қандай ўзгарганини, қандай қилиб кичик олимлар гуруҳи ўрнига илмий ходимларнинг катта бир армияси келганини ва катта давлатлар доирасида фанни ташкил қилишда мураккаб муаммолар пайдо бўлганини кўрсатиш мумкин.

Ўн тўққизинчи ва йигирманчи асрлар туташган чегаравий даврни олайлик ва шу даврда физика фани қандай ривожланганлигини таҳлил қилайлик. Бунда физиканинг вақт ўтиши билан ривожланиш жараёнини график тарзида тасвирласак, унинг шакли замонавий тез учар самолётнинг юқорига кўтарилиш траекториясини эслатади: нисбатан узун тезланиш йўли, аста-секин ердан узилиши ва катта тезланиш билан кескин юқорига кўтарилиши. Ана шу кўтарилиш янги давр арафасидир. Бу даврнинг бошида ётган атом ғояси қадимги файласуфларнинг ақл-тафаккури асосида туғилган мавҳум тасаввурдан кейинчалик ҳарбий ва сиёсий тарих майдонига чиқиш учун физикавий тадқиқотларнинг реал объектига айланди. Бу ўтиш даврининг руҳиятини биргина мисолда сезиш жуда қийин. У ҳақда тасаввур ҳосил қилиш учун ўша даврдаги физикага оид монография ва дарсликларни варақлашимиз, Рентген, Ж.Ж. Томсон ва Резерфордларнинг ясаган асбоблари билан танишишимиз лозим.

Илмий ғояларнинг ривожланиш тарихи билан танишган киши энг аввал ўша давр университетининг физика бўйича дарсликларидаги фикрлар билан ўша пайтда туғилган физика орасида чуқур узилиш борлигини кўради. Дарсликларда Ньютон механикасининг қонунлари, термодинамиканинг биринчи ва иккинчи қонунлари, электростатика ва магнетизм тенгламалари, ёруғлик интерференцияси ва дифракциясига оид классик тажрибалар ўз аксини топган. Буларнинг ҳаммаси шунчалик фундаментал, шунчалик турғунлашганки, улар тугалланган ҳисобланган. Унда янги ғоялар ва янги кашфиётлар деярли кўринмайди ва уларга ўрин ҳам қолмаган.

Атом ва электронлар-чи? Улар, эҳтимол, мавжуддир. Лекин бу янги соҳадаги мулоҳазалар ва назариянинг ишончлилиги унчалик катта эмас. Шунинг учун улар қатъий эътироф этилган физикавий қонунлар қаторидан ўрин ололмаган. Аслида эса, дарсликларда улар учун, жуда бўлмаса, бирор ўрин ажратиш, яхшиси, улар ҳақида ихчам баён этиш мумкин эди.

Бундай ҳолат таълим соҳасидаги консерватизмнинг кўриниши бўлиб, исталган дарсликнинг камчилигидир.

Одатда фанни турғун маълумотлар мажмуаси кўринишида тасаввур қилган дарслик муаллифлари етарлича яхши текширилмаган, шубҳали ва беқарор туюлган материалларни чиқариб ташлайдилар. Натижада янги соҳани ўрганишни бошлаган ўқувчи назарида бу соҳа текшириб тугаллангандек туюлади, баъзида ўқувчининг мустақил фикр юритишига ҳалақит беради.

Физиканинг тажриба натижалари асосида топилган қонунлар асосий роль ўйнаган бўлимлари XIX асрнинг охирида деярли шаклланди. Бунда далилларга қараб унда яширинган атом ёки молекуляр механизмларни излаш зарурияти ҳали йўқ эди.

Ньютон механикаси, геометрик ва тўлқин оптика, электр ва магнит майдонлар ҳақидаги таълимот ҳамда термодинамика (иссиқлик жараёнларининг умумий назарияси) шундай бўлимлар жумласидандир.

Одатий, макроскопик ҳодисалар физикасига оид ана шу фенеменологик пойдеворнинг янгиланиши ўтган икки асрнинг улкан ютуғи эди. У Галилей ва Ньютонлардан бошланиб, Максвелл ва Гиббслар томонидан тугалланди. Ўта аниқ ўлчашларда текширилган, оддий бошланғич ҳолатларга асосланган назариянинг математик изчиллиги тасаввур ва тасвирларнинг яққоллиги билан биргаликда XIX аср охири физикасига тугалланганликни кўрсатувчи монандликни беради.

Даврнинг баъзи бир машҳур физиклари физика фанида муҳим чегаралар ўтилди ва илмий дунёқарашнинг умумий асослари узил-кесил белгиланди, деган маънода фикр юритдилар. Бундай фикрлар фан тараққиётидаги маълум даврнинг табиий маҳсули бўлиб, психологик нуқтаи назардан маълум даражада ўринли эди. Бироқ шу билан бирга ана шу вақтнинг ўзида Рентген, Кюри, Ж. Ж. Томсон ва Резерфорднинг лабораторияларида физика фанида кескин ўзгаришларга олиб келган янги тажрибалар натижалари тезлик билан йиғила бошлади. Булар микродунё ҳодисаларини тадқиқ этувчи янги физиканинг дастлабки одимлари эди.

Атом жараёнларига оид тажрибалар билан бир вақтда бутун инсон тафаккурининг тарихи давомида мустаҳкам ва деярли яққол кўриниб турувчи ҳисобланган илмий ғояни келгусида қайта кўриб чиқиш белгилари пайдо бўлди. Классиканинг абсолют фазо, абсолют вақт жараёнларининг макро дунё ва микро дунё учун фазо-вақт бўйича тавсифининг абсолют сабабияти ва абсолют айнанлиги каби фундаментал абсолютлари қайта кўрила бошланди.

1900 йилда М. Планк иссиқлик нурларининг квант назариясини таклиф этди. Ёруғлик энергиясининг ютилиш ва чиқаришнинг дискрет характерлиги ҳақидаги тахмин назариянинг асосини ташкил қилди. Бу тахмин физик жараёнларнинг узлуксизлиги тўғрисидаги классик тасаввурга ёт эди.

1903 йилда Э. Резерфорд ва Соддилар радиоактив атомларнинг ўз-ўзидан парчаланиши ҳақидаги ғояни илгари сурдилар. Бу парчаланишда ҳар бир атом тасодифлик қонунларига бўйсунади.

1905 йилда А. Эйнштейн махсус нисбийлик назариясини яратади. Бу ҳол классик физика аксиомаларига қаратилган кучли зарба эди: абсолют вақт тўғрисидаги тасаввурлар чилпарчин бўлди. Янги фазо ва вақт концепцияси юзага келди. У дастлаб кўпчилик замондошлар томонидан ишончсизлик билан қабул этилади ва фақат узоқ йиллардан сўнггина эътироф этилади.

Энди 1900 йил физигини, унинг атрофидаги нарсаларни ва ижодий муҳитни тасаввур этайлик, у ишлаган лабораторияга назар ташлайлик: Тор, мослаштирилмаган хона (шу кунларда кичик бир олий ўқув юрти талабалари учун физикадан тажрибалар намойиш этиладиган асбоб-ускуналар хонасига деярли ўхшаш). Лабораториянинг одатдаги штати унинг бошлиғи, ассистенти, икки-учта ёш, фанга ўзларининг дастлабки қадамларини қўяётган ходимлар, кекса асбоб-ускуначи (механик, электрик, шиша ускуналар тайёрловчи, анъаналарни сақловчи ва умуман лабораторияда энг ижодий шахс ҳам унинг ўзи).

Ўша йилларда физика ва бошқа табиий фанлар билан шуғулланиш орқали, албатта, катта мартабаларга эришиб бўлмасди. Шунинг учун тадқиқот ишларига ўзларини урган ёшларнинг кўплари фанга қизиққан фидойилар эдилар.

Ўша даврда илмий ғоялар маркази ҳисобланган Германия, Англия ва Францияда ҳам шундай тадқиқот ишларига молиявий ёрдамни юқори деб бўлмасди. Шундай шароитда муваффақиятларнинг асосий гаровларидан бири олимнинг моҳир ва усталиги, лабораториядаги амалий ишларни ўзи бажара билиши эди.

XX аср бошларидаги физик олимларнинг бир буюк устунлиги бор эди. У ҳам бўлса текширилаётган объектга сезиш даражасидаги яқинлигидир. Бунда махсус экранга урилган атом зарралари чақнаш ҳосил қилганини кўрамиз, ичида металл электродлари бўлган юмалоқ колбада электродларни оддий юқори кучланиш манбаи — Румкорф ғалтагига уланганда юзага келадиган кўк рангли шуълага кўзимиз тушади. Ҳозирги кунда мактаб ўқувчисига ҳам тушунарли бўлган телевизор экранидаги бундай шуъла ўтган аср охирида моддаларнинг микро тузилишларини ўрганишда кузатилган эди.

Кейинги авлод — урушдан кейинги физиклар электронлар, ёруғлик квантлари ва атом зарралари билан дастлаб танишган олимларга ҳавас қилдилар. Лекин улар билан бизларнинг жамиятдаги тутган ўринларимиз ҳар хилдир. Радио ва телевидение вакиллари уларнинг кетидан ҳозирги вақтдагидек юрмас эдилар ва уларнинг фикрлари газеталарнинг кўринарли жойларида босилмас эди. Улар бажарган энг ажойиб иш ҳам мутахассисларнинг тор доирасидагина жонли қизиқиш уйғотарди. Ўзларининг иш натижаларидан қониқишгина улар учун мукофот ҳисобланарди. Бу ўринда физиклар табиатшуносликнинг бошқа вакиллари орасида ажралиб турмас эдилар. XIX аср охирида ва XX аср бошларида физика фанини алоҳида ўринга қўйишга асос йўқ эди.

Жамиятнинг кенг оммасига илмий лабораторияларда нималар қилинаётгани ҳақида деярли ҳеч нарса маълум эмас эди. Фақат айрим ҳолларда, масалан, рентген нурлари кашф этилганда, кўпчиликнинг қизиқиши авжига чиққан эди. Аммо мазкур ҳолда томоша қилиш эффекти қурилмаган нарсадан ажабланиш асосий роль ўйнайди.

Табиий фан вакилларининг ишлари ўз аҳамиятига кўра махсус йўналиш доирасидан чиққандагина ёки асрлар давомида сақланиб қолган муаммоларни ҳал қилгандагина, улар юқори обрўга эга бўлишни мўлжаллашлари мумкин эди. Бундай ҳолат бутун фан тарихи мобайнида фақат икки марта Коперник назарияси ва Дарвин таълимоти пайдо бўлгандагина қайд этилганди.

Мутахассис бўлмаган киши назарида гуманитар фанларнинг табиий фанларга нисбатан имкониятлари юқори ҳисобланди. Бунга сабаб тегишлилик даражасининг турличалигидир. Биринчи ҳолда маълумотлар ҳар кимга тушунарли ҳолда берилса, иккинчи ҳолда улар кенг ўқувчи оммасига оммабоплаштирилгандан сўнггина берилиши мумкин.

Энди бизнинг табиий фанлар доирасига, айниқса, физика фанига алоқадор бўлган тасаввуримизни бир оз умумийлаштиришга ҳаракат қилайлик. Ўтган давр фани жуда кичик бир гуруҳнинг эркин ижодий фаолиятининг ихтиёрий маҳсули эди. Соддароқ қилиб айтганда, у даврда фан йўлидаги иш хизмат даражасида эмас эди. Ҳукумат қарамоғида илмий муассасалар деярли йўқ эди. Бу эса ўша даврда табиий ҳол эди. У вақтда илмий тадқиқотлар техника, иқтисод ва сиёсатга бевосита ва ҳозиржавоблик билан таъсир этадиган даражада эмас эди. Янги илмий ғоянинг пайдо бўлиши ва у сезиларли даражада амалий фойда берадиган кун орасидаги вақт, одатда, шунчалик катта эди-ки, фаннинг техника тараққиётига таъсирини аниқ айтиш қийин эди.

Ўтган аср охиригача фан ва техника, умуман олганда, параллел ва амалда бир-бирига боғлиқ бўлмаган йўлдан ривожланиб борди. Жумладан, Карно термодинамика тамойилларини ишлаб чиқишда биринчи қадамни қўйишидан анча илгари Уаттнинг буғ машинаси ва Стеффенсоннинг паровози муваффақият билан ишламоқда эди. Эдисон Нью-Йоркда биринчи электростанцияни қуришидан аввал электромагнит ҳодисалари назарияси яратилган бўлса-да, буюк кашфиётчи фаннинг хулосаларидан ҳеч бир фойдаланмаган эди. Унга, ҳатто, электр занжирлари назариясининг алифбоси бўлган Ом ва Кирхгоф қонунлари ҳам маълум эмас эди. Мазкур даврда илмий кашфиётларнинг техникага, амалий муаммоларга таъсири шу тариқа жуда суст эди. Таққослаш учун ҳозирги кунга назар ташлайлик. Бир неча ўн йиллик ичида фаннинг жамиятдаги ўрни ва роли тубдан ўзгарди. Илмий тадқиқотларнинг ҳолати, унинг кўлами ва ривожланиш даражаси ҳозирги кунда давлатнинг қудрати тўғрисида мулоҳаза қилишнинг муҳим белгиларидан бўлиб қолди. Фан миллий нуфузнинг асосий элементига айланди.

Атом тузилишининг ойдинлашиши ва микродунё механикасининг янги квант қонунларининг кашф этилиши XX аср биринчи ярми физикасининг обрўсини жуда юқорига кўтарди. Табиатшуносликнинг бошқа тармоқлари ичида физика фанининг етакчилиги яққол кўриниб қолди. Кимёвий кучлар табиатни фақат квант механикаси доирасида туғилган ғоялар асосидагина тушунтирилди. Астрономияда ҳозирги куннинг физикавий мавзуси қаторидаги астрофизик муаммолар олдинги қаторга қўйилди.

Физикада ялпи ўзгариш юз берди — муаммолар ҳам, фикрлаш психологияси ҳам, тадқиқотлар характерининг ўзи ҳам ўзгарди. кичик ўлчамдаги қўлда ясалган асбоблар ўрнини замонавий зарядланган зарралар тезлатгичлари, тадқиқот атом реакторлари, космик кемалар акустик ва геофизикларнинг сузувчи лабораториялари ва бошқа қурилмалар эгаллади. Бундай асбоб-ускуналарни тайёрлаш махсус бир техника соҳасининг, йирик конструкторлик бюроларининг ишига айланди. Физиканинг муҳим бир бўлимидаги шахсий илмий иш ўз ўрнини бутун бир жамоа (гуруҳ) бажарадиган илмий ишланмаларга бўшатиб берди. Тажриба ўтказувчи олимга алоқадор кишилар гуруҳида энди физик-назариётчилар, физик-тажрибачилар, лаборант-кузатувчилар, дастурчи ва ҳисобловчилар, конструкторлар, инженер-электриклар, бошқа турли касб эгаларини кўришимиз мумкин.

Мақсад қилиб қўйилган йирик тадқиқот ишларига кўплаб ижрочилар — махсус юқори малакали ходимлар талаб этилади. Ана шундай ҳолларда тадқиқот ишларининг тўғри ташкил этилишида истеъдодли ёш ходимлар ўз имкониятларини тўла намоён эта оладилар.

Физика соҳасида тадқиқотларга сарфланадиган маблағларнинг узлуксиз ортиб бориши, унга қаратилган диққат-эътиборнинг кучайиши ҳозирги замон физикаси ютуқларини амалда қўлланишининг катта аҳамиятга эгалигидан дарак беради. Физика фанининг обрўси аввалига, асосан, ҳарбий-техника соҳасининг ривожланиши асосида ортган бўлса, кейинчалик физикавий тадқиқот натижалари техниканинг бошқа кўпгина муҳим соҳалари — энергетика, электроника, электротехника ва радиотехника, металларга ишлов бериш технологияси, оптикавий техника ва ҳоказоларда кенг қўлланила бошланди. Шу сабабли физика фани бошқа илмий фанлар ичида (умум)давлат мавқеига эга бўла бошлади.

Физика фанининг бўлимлари бирин-кетин маблағ билан таъминланиши натижасида янги тадқиқот марказлари пайдо бўлиб, кўплаб илмий ишланмалар ривожлантирилди. Тадқиқотларнинг кенг кўламда олиб борилиши натижасида табиий-илмий дунёқарашнинг ривожланишида етакчи ҳисобланган физика фани индустриянинг янги ўзига хос соҳасига айланди. (Ўзига хослиги шундан иборатки, энг қимматли ишлаб чиқариш маҳсулотларини режалаштириш у ёқда турсин, балки олдиндан кўра билиш ҳам мумкин эмас). Жумладан, ядронинг ички энергиясининг ажралиши каби ажойиб илмий натижа ядро физикасининг асосий ривожланиш йўналишидан четкада пайдо бўлган эди. Умуман олганда, физикавий тадқиқотларнинг кўпчилигида олинган муҳим натижалар мўлжалланган илмий йўналишда қўйилган кичик бир қадам — илгари олинган маълумотларни кенгайтириш ёки аниқлаштириш асосида олиниши мумкин.

Физикавий муаммоларни тахминий тасниф этишни икки хилга ажратиш мумкин: аналитик ва синтетик. Аналитик характердаги муаммоларда биз табиатда юз берадиган мураккаб жараёнларнинг принципиал асосини бутунлай ўрганилмаган объектларда қидирамиз. Ҳозирги вақтда бундай ҳолат физика фанининг энг кичик ва ўта катта ҳажмдаги материя хоссаларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган икки четкасидаги йўналиши — элементар зарралар физикаси ва астрофизика учун характерлидир.

Мазкур йўналишлардаги тадқиқотларнинг аниқ мақсадини аниқлаш фан ривожланишининг ички мантиқи орқали белгиланади.

Синтетик синфга мансуб бўлган бошқа физикавий муаммоларнинг барчасида вазият ўзгача бўлади. У ёки бу физик система (масалан, кристалл, суюқлик, плазма)нинг тузилиш элементларини билган ҳолда унинг архитектурасини аниқлаб олишимиз ва алоҳида зарраларнинг ўзаро таъсирларини бошқарувчи умумий қонунлар асосида системадаги жараёнлар механизмини тушунтириб беришимиз керак.

Бу ўринда синфга тегишли муаммоларнинг ўзига хос бир томонини таъкидлаб ўтишимиз зарур. Бунда қўйилган масалани ҳал қилиш ишлари илмий ғояларни ривожлантириш эмас, балки, хилма-хил амалий қўлланиш масалалари билан бевосита боғлиқдир.

Фанда одатдаги "буни қандай тушунтириш мумкин?" — саволи ўрнига "бу қандай қилинади?" саволи илмий тадқиқотдан олинадиган асосий савол бўлиб қолади. Шу тариқа физиканинг кўпгина соҳаларида фан ва техника ўртасидаги чегара йўқолиб боради ва илмий тадқиқотлар занжири узлуксиз равишда технологик ва конструктив ишланмалар кетма-кетлигига ўтади.

Шундай қилиб, ҳозирги замон физикаси, бир томондан, моддий дунёнинг буюк қонунларини очувчи фан бўлса, иккинчи томондан, янги техника пойдевори, дадил техник ғоялар устахонаси, мудофаа таянчи ва узлуксиз индустриал тараққиётни ҳаракатлантирувчи кучдир. Кўпгина оммабоп китоб ва журналларда физиканинг ҳаракати борган сари те лашмоқда, бир-биридан муҳим кашфиётлар кетма-кет юз бермоқда ва битта дадил назария кейингисига йўл очиб бермоқда, деб кўрсатиляпти. Бироқ ҳақиқатда масала мураккаброқдир — физикларнинг иши борган сари қийинлашиб бормоқда. Сиртқи томонда бўлган барча нарсалар аллақачон аниқланган, тадқиқ этилган ва тушунилган. Ўлчами 10-15 см тартибида бўлган элементар зарралар оламидаги ёки биздан миллиардлаб ёруғлик йиллари масофасида бўлган, яқинда кашф этилган ўрта юлдуз объектлари дунёсидаги янги қонуниятларни очиш учун энди физиклар ва астрофизиклар бутун кучни ишга солишлари, лабораториядаги қурилмалар ҳаддан ташқари катталашиши ва ўта қимматли бўлиши лозим. Шу сабабли физиканинг энг муҳим йўналишдаги ривожланиш даражаси асосан тадқиқотларнинг технологик базасини қайта қуриш тезлигига боғлиқ. Бу тезлик тажрибаларнинг бевосита мақсадга алоқадор бўлмаган иқтисодий ва технологик характердаги қатор омилларига боғлиқ. Жумладан, айтайлик, юз-икки юз миллиард электрон-вольт энергияли зарядланган зарралар тезлатгичини қуриш учун ўн йилдан ортиқ муддат талаб этилади. Уни г устига катта қурилмада бажарилган ҳар қандай ўлчаш ишлари ҳам айтарлик натижалар беравермайди. Катта тезлатгичларда ўтказилган илмий-тадқиқотлар асосида муҳимроқ натижалар олиш ишларининг кўлами ҳам жуда катта бўлади.

Иқтисодчи сўзи билан айтганда, кейинги йилларда физикада илмий кашфиётларнинг таннархи (яъни, моддий ва интеллектуал харажатлар) узлуксиз ва жуда тез ортиб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб фаннинг ривожланиш даражасини сусайтирмаслик учун ажратиладиган маблағни ва илмий ходимлар сонини ошириш керак. Лекин шуни назарда тутиш лозимки, илмий ишларнинг энг қийин бўлимларида муваффақият харажатларга пропорционал эмас. Бу ерда миқдор бутунлай сифатга ўтмайди. Ҳозирги кунда олдимизда турган, катта аҳами тга эга бўлган илмий ва илмий-техникавий масалалар, кўпгина ҳолларда, ҳал қилиниши даражасига келганича йўқ.

Фан ривожланиши — маълумотлар тўпланишининг занжирсимон реакцияси. У зўрайиб борувчи кўчки ёки вақт ўтиши билан сўниб борувчи жараён характерида бўлиши мумкин. Вақт ўтиши билан янги маълумотлар оқимининг қиймати ортиб борса, биринчи ҳол юз бериши мумкин. Лекин муҳим маълумотлар заҳираси борган сари аста-секин кўпайиб борадиган ва тўйинишга интиладиган ҳол ҳам юз бе иши мумкин. Табиатшунослик ўтган тўрт юз йил мобайнидаги каби ҳозирги кунда ҳам биринчи ҳолга ўхшаш ривожланмоқда. Лекин унинг баъзи бир соҳаларида шундай даврлар бўлиши мумкинки, унда принципиал масалалар ечилган ва асосий эътибор умумий тасаввурни ойдинлаштиришга қаратилган бўлади. Бундай ҳолларда мазкур соҳа классик деб аталадиган туркум қаторига киритилади. Бу соҳа доирасида энди революцион характерга эга бўлган катта ўзгаришлар бўлмайди. XIX аср бошидаги Ньютон механикаси шулар жумласидан бўлиб, деярли юз йилдан сўнг нисбийлик назариясининг янги механикаси, ундан бироз кейин эса, микродунёнинг квант механикаси пайдо бўлди. Лекин классик механика мазмуни ўзгаришсиз қолди. Ҳозирги кунда физиканинг кўпгина бошқа соҳалари (электроника, спектроскопия ва ҳоказо) ҳам шунга ўхшаш ҳолатга яқинлашиб бормоқда. Лекин техникавий қўлланишларнинг турли-туманлиги ва амалий қиймати уларни "Соҳа кризиси" деб аталувчи хавфли касалликдан қутқариб келмоқда.

Вақт ўтиши билан тадқиқотлар йўналишларининг тармоқланиши натижасида илмий ахборотлар оқими кенгайиб ва зичланиб боради. Лекин оқим тезлиги ўрта ҳисобда камаяди, конструктив элемент аналитик элементдан устун бўлиб боради. Яқин келажак авлодимиз учун физика қотиб қолган ғоялар ва ўтмишда аниқланган далиллар тўпламига айланиб қолмаслиги керак. Улар учун бу тўплам техника асосида инсоният жамиятининг эҳтиёжи ва талабини қондириши керак.

Энди яна илмий ходимга назар ташлайлик. Ҳозирги даврда физикнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ўтган даврлардаги физикларникидан ўзгачадир. Дастлабки узоқ тайёргарлик (мактабдаги ўн бир йил, олий ўқув юртидаги беш-олти йил ва лаборатория лавозимларида бир-икки йил)дан сўнг ёш ходим ниҳоят илмий ишларнинг тенг ҳуқуқли қатнашчисига айланади. Ўз билимларини иложи борича ишга солиш имконияти туғилади. Уларнинг қобилиятлиси ва ишчанлари бир неча йилдан сўнг бирор гуруҳ ёки лабораторияга раҳбар бўлиб кўтариладилар. Натижада ташкилотчилик фаолиятининг кўлами йилдан-йилга ортиб боради, тажрибаларда бевосита қатнашиш имконияти эса борган сари камайиб боради.

Институт бошлиғи бўлиб олган илмий ходим йиллар ўтиши билан маъмурий фаолиятга берилиб кетади. У учун фан билан бевосита шуғулланиш борган сари қийинлашиб боради. Яхши физик физикасидан ажралиб қолади.

Катта илмий жамоаларга муваффақият билан раҳбарлик қилишга қодир бўлган туғма ташкилотчи ва истеъдодли олим бўлган кишилар, афсуски, озчиликни ташкил этадилар (истисно сифатида). Улар кам учрайдиган "нодир" кишилардир.

Шундай экан, даҳолар — катта истеъдод соҳиблари тўғрисида тўхталиб ўтайлик. Одамзотнинг генетик барқарорлиги сабабли уларнинг интеллектуал даражаларига кўра тақсимланиши минг йиллар мобайнида ўзгаришсиз қолади. Шунинг учун дунёдаги энг яхши илмий масканларда меҳнат қилувчи физиклар ўз истеъдодларига кўра ўтган асрлардаги ҳамкасбларидан қолишмайдилар, дейиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, XVII ва XVIIIасрлардаги буюк олимларникидек қобилиятли кишилар бизнинг ҳамкасабалар орасида кам эмас, дунё фанида ҳозирги кунда қобилиятига кўра Галилей ва Ньютонлардан қолишмайдиган юзлаб, ҳатто минглаб физиклар меҳнат қилмоқдалар. Лекин салоҳиятига кўра даҳо бўла оладиган киши фан оламида ёрқин юлдузга айланиши учун қулай шароит бўлиши лозим. Бу шароит, энг аввало, у ишлаётган илмий йўналишнинг ҳолатига боғлиқдир.

Олимнинг яшаб ижод этиш даври, танлаган соҳасида илмий ахборотларнинг тўла-тўкислиги ва шу соҳада ишловчи физик-олимлар сони қай даражада эканлиги ҳам ҳал қилувчи омиллардандир.

Олимнинг истеъдодини унинг илмий асарларига кўра аниқлаб бериш мумкин. Лекин натижаларнинг миқдори ва истеъдод даражаси ўртасида доимий мутаносиблик сақланмайди. Шунга кўра ўз замондошимизнинг истеъдодини ҳар доим ҳам тўғри баҳолай олмаймиз, физик истеъдодининг ўлчови сифатида, биринчи навбатда, у ҳал этган муаммонинг мураккаблиги олиниши керак. Хуллас, олимнинг шахсий қобилиятини ўлчайдиган махсус асбоб ва фахрий даҳолик унвонини белгилайдиган имтиҳон комиссияси йўқ.

Ва ниҳоят, шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда улуғ кишиларга бўлган талаб жуда юқорилашиб кетди. Нафақат фанда, балки, адабиёт ва санъатда ҳам намоён бўлган оммавий маданият даври деб аталувчи давримизнинг хусусияти ҳам ана шунда.

Ҳозирги вақтда физика ва бошқа ривожланаётган табиий фанлар бўйича илмий иш фақатгина тадқиқотчиларнинг ғайрати билан ўз-ўзича бажарилмайди. Унинг учун кўп миқдорда моддий маблағ зарур. Бу маблағ давлат томонидан берилади. Акс ҳолда физика, астрономия, биология фанлари умуман ривожланмай қолади. Шу асосда айтишимиз мумкинки, "Фан — баъзибир кишиларнинг ўз қизиқишларини давлат ҳисобидан қониқтиришнинг энг яхши замонавий усули" деган ҳазил-таъсиф маълум даражада ўринлидир.

Табиатшунослик мамлакатнинг умумий мақсадларига мос йўналишда ривожланиши учун фанга нисбатан маълум сиёсат ўтказиш лозим. Яъни ҳозирги замон жамиятининг ҳаётини жуда мураккаблаштирувчи, ҳал бўлмаган кўпгина ташкилий муаммолар қаторига яна бир муаммо қўшилди: илмий тадқиқотларга ташкилотчилик ва раҳбарлик қилиш керак.

Бир нечта оддий саволларга жавоб излаб кўрайлик.

Давлатнинг фан учун ажратадиган моддий маблағи қанча бўлиши керак? Бу рақам умумий бюджетнинг неча фоизига тенг бўлиши зарур? Бу маблағлар илмий тадқиқотларнинг алоҳида соҳалари ўртасида қандай тақсимланиши лозим? Илмий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи саноатнинг қайси тармоқларини биринчи навбатда ривожлантириш лозим ва мазкур ишлаб чиқариш кўламини қандай режалаштириш мумкин? Мамлакатга яқин йиллар мобайнида турли мутахассисликдаги илмий ходимлардан қанча керак бўлади ва шу асосда олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш қандай ташкил этилади?

Шунингдек, бошқа тарафдан ёндошиш ва биз ҳозирги замон табиатшунослигининг узоқ галактикалардан тортиб то микроорганизмларнинг биохимиясини ўрганишгача бўлган кенг фронтида бир хил куч сарфлаб ҳаракат қилишимиз ёки бир нечта йўналиш билан чегараланишимиз лозимми, деб сўрашимиз мумкин. Шу сабабли, балки, ишлар қимматга тушадиган ҳолларда дунёда биринчиликка интилмай табиатшуносликнинг кўпгина соҳаларида фақат имкони борича ҳаракат қилган маъқулдир.

Шу саволларга кимдир жавоб бериши ва уларни ҳал қилиши керак. Давлатнинг фан устидан раҳбарлик қилиши, энг аввало, ана шундан бошланади.

Фанга нисбатан давлат томонидан ўтказиладиган сиёсатнинг аниқ усуллари тўғрисида тор доирада мулоҳазалар қилиш ўринсиздир. Бундай сиёсат кўпгина омилларни ҳисобга олишга асосланган бўлиши керак. Шундай омиллар орасида илмий натижаларнинг бевосита амалий аҳамияти, тажрибавий ишланмаларга сарфланган моддий маблағ, халқаро илмий беллашув ва шунга боғлиқ бўлган обрў олиш масаласи билан бирга, шунингдек, янги ғоялар ва бир вақтлар олинган тадқиқот йўналиши инерцияси орасидаги қарама-қаршилик, илмий ходимларнинг кекса авлодининг консерватизми каби омиллар ҳам бор. Қуйида биз фақат баъзи-бир хусусий фикрларни билдириб ўтмоқчимиз.

Аввалламбор, ташкилий масалани мураккаблаштирувчи бир ҳолатни таъкидлаб ўтайлик. Гап шундаки, илмий натижаларнинг абсолют ёки нисбий қийматини аниқлаб берувчи, шунингдек, ҳар хил тадқиқотларни таққословчи етарлича ишончли мезонлар йўқ. Шу боисдан физика фанига оид тадқиқотларни режалаштиришда ҳам қийинчилик туғилади.

Ҳозирги даврда физика фанининг асосий соҳалари бўйича халқаро беллашувларда аниқланишича, дунё миқёсида биринчи даражали илмий натижа олиш учун кучли рақиб кетидан, у танлаган йўлдан боравермасдан, балки, ўзининг шахсий йўлидан борган маъқул экан. Шундай қилгандагина муваффақиятга эришиш мумкин. Жумладан, элементар зарралар физикасига оид урушдан кейинги йиллардаги тадқиқотларимизга кўп миқдорда куч ва маблағ ажратилганига қарамасдан, пешқадам кетидан борилганлиги сабабли, афсуски, доимо бироз кеч қолиб, шу кунга қадар ҳам яхшироқ илмий натижаларга эриша олмадик. Қаттиқ жисмлар физикаси соҳасида ва, айниқса, радиофизиканинг янги йўналишларида эса, аксинча, собиқ совет фани кўпгина ажойиб ғоялар туфайли зўр кашфиётлари билан фахрланса бўлади.

Фан соҳасидаги халқаро мусобақада, табиийки, кучли диспропорцияга дуч келишимиз мумкин. Жумладан, яқин ўтмишда давлат аҳамиятига молик бўлган муҳим масалани амалий ҳал этишда катта рол ўйнаган ва шу тариқа етакчи бўлиб олган фан соҳалари ҳозирги кунда илгаригидек амалий қўлланишларга эга бўлмасалар ҳам инерция бўйича алоҳида эътиборга эга бўлиб қолаверадилар. Баъзи бир фан соҳалари, жумладан, астрофизика, техника сўровларидан узоқда бўлганидан ноқулай аҳволда қолади.

Шубҳасиз, иррационал омиллар илмий сиёсатига қандайдир таъсир кўрсатадилар. Лекин асосий куч — йирик жамоаларнинг фикри илмий ғояларнинг муҳимлиги ва уларга сарфланадиган маблағ ва ҳаракатлар ўртасидаги муносабатни тўғрилашда ёрдам беради.

Инсониятнинг яшаши ва ривожланишида бош хусусият ҳисобланган соғлом фикр ва ҳиссиёт, оқибат натижада, илмий сиёсатда бизнинг таянчимиз бўлиб қолади.

*Ҳамкасблар ижодидан*

## ОЛҚИШ

Бугун тўй, ҳилпирар эзгулик туғи,
Шоирни олқишлаб эъзозлайди халқ.
Қадим туркийзабон ўзбекнинг ўғли,
Жўшқин шеърларида урмоқдадир барқ.

Шараф ҳам унгадир, шон ҳам унгадир,
Қалбларни ром этар оҳанглар саси.
Мустақил юртимда жаранглар бу дам,
Оддий муаллимнинг шеърият дарси.

Унинг кўзларида ифтихор бугун,
Дўстлар эҳтиром-ла, номин этгай ёд.
Тириклик бўларди янада гулгун,
Ҳаётда у каби яшаса ҳар зот.

***

Ҳаётда изтироб чекамиз гоҳо,
Кимнидир ранжитиб, кимни шод этиб.
Яшил далаларнинг сокин, дилрабо,
Жўшқин қўшиқлари чорлар ёд этиб.

Кимнидир бир оғиз ширин сўз билан,
Бу дардли оламга этамиз ошно.
Кимнидир менсимай совуқ юз билан,
Ширин сўзимизга этамиз ташна.

Завқлидир денгизда кўп билан сузсанг,
Қайғу ҳам, шодлик ҳам кўп билан енгил.
Бир дилга оғирдир бир нордон сўз ҳам,
Айт, ямаб бўлармн дарз кетса кўнгил!!

## ҚЎЛТИҚТАЁҚДА

Шу элда мен севган бир отахон бор,
Унга таъзим этгум ҳар кўрган чоқда.
Ўтли нигоҳида йўқ зарра ғубор,
Аммо ўзи юрар қўлтиқтаёқда.

Отам ўхшашлигин кўриб ёноқда,
Дейман: — у мен учун энг яқин одам.
Қани шу сиймодек қўлтиқтаёқда,
Жангдан қайтган бўлса менинг ҳам отам...

***

Булут қоплаб кўкни қоп-қора,
Қарсиллади момоқалдироқ.
Ҳар ёқдан сел оқди шалдираб,
Бирдан шаррос қуйганда жала.
Юрагимни чўлғади қўрқув,
Самоватда нечук ғалаён!!
Табиатнинг жаҳлими ё бу!!
— Йўқ, — дер Булут, - Бу эртанги дон!
Бу ўт тинмай ловулласин-да,
Боққан кўзлар доим лол бўлсин!
Ширин ҳислар алангасида,
Бири — кампир, бири — чол бўлсин!

## ЧАШМА

Даранинг ичидан, ернинг қаъридан,
Бир чашма биқирлаб қайнаб чиқди-ю,
Чулдираб йўл олди тоғнинг бағридан,
Яшил майсаларга кўзин тикиб у.

Чашмадан сўрадим: — Қаерда бошинг!
Чашма жавоб қилди: —Ҳув баланд тоғлар.
—Қаерга ўрмалар биллур кўз ёшинг!
—Пойимни ўпганча чаманлар, боғлар.

— Не мақсад оқасан тоғ этагига!
— Чўпонлар чанқоғи қониши учун.
Минг хил ҳусн бериб қир бекатига,
Алвон лолаларнинг ёниши учун!

— Қани айт, умидли не кўрдинг йўлда!
— Қадримни билувчи она — заминни.
Кўрдим ўзимни ҳар очилган гулда,
Кўрдим, чўлда инсон пойқадамини.

—Бундан не муддаонг жавоб бер булоқ!
— Муддаом сувимдан яшнасин тупроқ.
— Офарин ҳаётни севувчи чашма,
Ким сени қидирса қолмас ҳеч ташна.

**Мели БОБОҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.**

*Энг яхши китоблар — болаларга*

# “Болаларга атаб ёзилган энг яхши китоблар учун“ кўрик-танлови

*Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва республика "Маҳалла" жамғармаси ташаббуси билан "Болаларга атаб ёзилган энг яхши китоблар учун" йиллик кўрик-танлови таъсис этилди.*

*Кўрик-танловга мустақиллик, миллий давлатчиликни мустаҳкамлашга, ватанпарварлик, қаҳрамонлик, инсонпарварликни шарафлашга бағишланган қизиқарли, болаларбоп тилда ёзилган янги асарлар қабул қилинади. Кўрик-танлов якуни ҳар йили Мустақиллик куни арафасида эълон қилинади.*

*Республика кўрик-танловида ғолиб чиққан муаллифлар ёрлиқ ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар.*

*Мукофотлар қуйидагича белгиланди:*

*Кичик мактаб ёшидаги болалар учун:*

*Наср (қисса, туркум ҳикоялар) — 10 минг сўм.*

*Назм (достон, шеърий туркум, қўшиқлар туркуми) — 10 минг сўм.*

*Адабий-тарихий мерос ("Ўлкамизни ўрганамиз" мавзуидаги маърифий асарлар) — 10 минг сўм.*

*Ўрта ва катта мактаб ёшидаги болалар учун:*

*Наср (роман, қисса, ҳикоялар тўплами) — 10 минг сўм.*

*Назм (достон, шеърий тўплам, туркум қўшиқлар) — 10 минг сўм.*

*Адабий-тарихий мерос ("Ўлкамизни ўрганамиз" мавзуидаги маърифий асарлар, публицистик туркум ҳикоялар) — 10 минг сўм.*

*Қўлёзмалар ҳар йилнинг 1 июнигача "Чўлпон" ва "Камалак" нашриётларига топширилади.*

*Ғолиб асарлар бир йил ичида китоб ҳолида нашр этилади.*

*Соғлом авлод учун*

**Талъат УСМОНХЎЖАЕВ**

# МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР

### ҚИРҚ ТОШ"

**(Тавсия этилаётган ўйин 5-6 яшар боғча болалари ва мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган).**

Ўйин майсазорда, спорт залида ёки майдончада ҳам ўтказилади.

Старт чизиғидан бошлаб узунасига ҳар болани ҳисобга олиб (6—6. 10—10, 20—20 ва ҳ. к) бир метрдан аниқ параллел чизиқлар белгиланади. Ҳар бир бола тош ўрнига биттадан латтадан тикилган коптокчани қўлига ушлаб тайёрланиб туради. Ҳакам ёки ўқитувчининг ҳуштагига биноан ҳар қайси бола белгиланган ҳар бир метрга югуриб бориб тошни ёки коптокчани қўйиб, ўз жойига қайтиб олиб келади. Охирги ўйинчи тошини олиб бориб қайтгандан сўнг яна бири ўз тошини югуриб бориб қайтариб олиб келади. Қайси бир команда биринчи бўлиб ўз коптокчаларини териб олиб келса, ўша команда ғолиб деб ҳисобланади.

Қоидалар: чизиқдан чиқиш, коптокчани бошқа ўйинчиларга узатиш, олдиндан старт чизиғидан чиқиш ман этилади.

### "ЧЎНКА ШУВОҚ"

**(Бу ўйин юқори синф ўқувчиларига тавсия қилинади).**

Ўйинни ўтказиш учун спорт майдони ҳамда спорт залида иштирокчиларнинг сонига қараб битта ёки иккита 2 метр кенгликда доира ҳосил қилинади, унинг марказига 60 см узунликдаги ёғоч қозиқ ўрнатилади. Қозиқнинг тепа қисмига бўшроқ ҳолатда тушиб-чиқиб кетмайдиган қилиб 1 метр арқончага боғланади, ундан 5 см пастроққа эса бир тутам оддий ўт боғланади, қозиқ-ёғоч эса тиккасига ерга ёки полнинг бирор тирқичига ўрнатилади. Унинг тепа қисмига боғланган арқонча бўш томонининг учини бошловчи ушлаб туради.

Қозиқнинг атрофида арқончани ушлаб олиб бошловчи ўт-шувоқни юлиб олмоқчи бўлган ҳужумчилардан ҳимоя қилади ва уларни қўли ёки оёғи билан ҳимоя қилиб ҳайдайди, яъни шувоқдан юлиб олишга йўл қўймайди. Ўйинда бошловчидан ташқари яна 4—5 киши ҳужумчи вазифасини ўтайди. Қайси ўйинчи кўпроқ ўт-шувоқни юлиб олса, ўша ғолиб чиқади. Ўт-шувоқдан юлиб олишга йўл қўймаган бошловчи ҳам ғолиб чиқиши мумкин.

Қоидалари: ҳужумчи ўйинчиларга ҳимоячининг қўли ёки оёқ панжаси тегса, у ўйиндан чиқди деб ҳисобланади ва ўрнига бошқа ўйинчи тушиши мумкин. Ўйинни команда тузиб ўтказса ҳам бўлади.

**Боши газетамизнинг 3-сонида.**

### "ЕЛКА КУРАШ"

**(Бу ўйиннинг асоси миллий спорт тури "Кураш"дан олинган).**

Ўйиннинг оддий курашдан фарқи — курашнинг ўзи фақат тепада, яъни иккинчи қаватда бўлади. Ўспиринлар юқори синф ўқувчилари шерикма-шерик бўлишиб, кимдир ўз вазнига қараб тепага, елкага чиқиб олиши шарт.

Тепа кураш ўтказилиши учун спорт зали ёки майсазор бўлиши керак. Иштирокчилар келишиб олгандан сўнг, белгиланган ўйинчилар жамоаларга бўлиниб, спорт залига мата-тўшак солинган жойга ҳар қайси командадан 2х2 бўлиб чиқишади. Ўртада турган ҳакам ҳуштак чалиши билан тепа курашчилар курашадилар. Қайси бирлари биринчи бўлиб тўшакка ағдариб туширса, улар ютган ҳисобланади ва ўз командасига очко келтирадилар. Ғолиб команда — кўп марта йиқитган шериклар ҳисобланади.

Қоидалари: елка курашда фақат тепадагилар олишадилар, пастда иштирок этаётган ўйинчининг вазифаси тепа ўйинчини тиззаларидан қучоқлаб олиб, маҳкам ушлаб курашга кўмаклашиш, холос.

### "ЧАВАНДОЗ" ЁКИ "КИЧИК УЛОҚ"

**(Ўйиннинг иккинчи тури фақат юқори синфлар учун)**

Ўйиннинг бу тури кўкаламзор майдонда ёки спорт залида ўтказилади. Ўйинда фақат ўғил болалар иштирок этишлари мумкин. Улар сонига, жисмоний бақувватлигига қараб камида 4 кишидан ташкил топган 2 та командага бўлинадилар. Майдоннинг бир четига 1,5 метрли доирача чизилади. Бу доира марра деб аталиб, "улоқни" ташлаш учун белгиланади. Ўйин учун оддий қўй ёки эчки терисидан бўйига 40 см, энига эса 15—20 см бўлган болишча "улоқ" тикилади. Тери топилмаган ҳолатда матодан ёки эски кўрпачадан ясалса ҳам бўлади.

Ўйин бошлашдан олдин жамоалар майдон четида сафланиб турадилар. Ҳакам ёки ўқитувчининг ҳуштаги чалиниши билан "улоқ" майдон ўртасига ташланади. Ўйинчилар келишиб, бир-бирларининг орқасига опичиб олишади ва майдонга қараб "улоқ"ни олиш учун югурадилар. Ҳақиқий кураш — тортишув майдонда бўлиб, қайси бир "чавандоз" биринчи бўлиб "улоқ"ни маррага, яъни доирачага олиб келиб ташласа, ўша жамоа ғолиб деб ҳисобланади. Ўйин яна давом этади. Бу гал ҳам ўйин ҳакамнинг бошлашига биноан кўрсатилган тарзда ўтади. Ўйин тугаллангандан сўнг ўйинчилар ичида илдам, чаққон ва кучли "чавандоз"лар аниқланиб, ғолиблар рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланиши лозим.

**Давоми бор.**



*Мозийга назар*

# БИР СУРАТ ТАРИХИ

1917 йил инқилобидан сўнг Шўро ҳукуматининг Туркистон халқларига, айниқса, камбағалларга озодлик, демократия, намунали турмуш бериш каби дабдабали ваъдалари орасида ўлкада маориф-маданият ўчоқларини кўпайтириш, уларни "саводли" қилишни ташкил этиш ҳам бор эди. Шунга кўра мактаблар очилди. Академик Қори-Ниёзийнинг кўрсатишича, "...Туркистон Республикасида очилган мактабларнинг сони 1920 йилдаёқ 2000 га етди. Табиий, бу мактабларга энг аввал ўқитувчи керак эди. Улар эса асосан қисқа муддатли икки-уч ойлик курсларда ўқиб чиққанлар билан таъмин қилинарди".

Халқ орасида ёзиш-чизиш ва ўқишнигина мақсад қилиб қўйган ушбу мактаблар табиий равишда халқнинг ўсиб келаётган маърифий талабини қондира олмас эди. Шу боис кўпроқ 7 йиллик тўлиқсиз ва 9 йиллик ўрта мактаблар очиш вазифаси турарди. Бу мактабларнинг мақсад ва вазифалари асосан Шўро мафкураси, маданияти, маорифи ва ғоясини ёш авлодга сингдириш эди.

"Бундай мактаблар кейинроқ, яъни 1924 йиллардан сўнг ташкил топган бўлса ҳам 20-йилнинг бошларида мазкур курслар билан бир қаторда уч-тўрт йиллик доимий мактаблар ҳамда ўрта мактаблар руҳидаги "Таълим-тарбия техникумлар вужудга кела бошлади., — деб гувоҳлик беради Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, ҳозир 93 баҳорни қаршилаётган атоқли олим, профессор Раҳимжон Отажонов. — Худди шу йили Фарғонада Қори-Ниёзий ва Абдураҳмон Ғойибий сингари педагоглар ташкилотчилигида "Таълим-тарбия техникуми" тузилди. Унга Қори-Ниёзий директор, А. Ғойибий мудир қилиб тайинланди. Фарғонадаги иккинчи босқич ўзбек мактаби ўша пайтдаги вилоят маркази — Қўқонга кўчирилди ва у ердаги атоқли тилшунос олим Ашурали Зоҳирий ҳамда фидойи муаллимлар Муҳаммаджон Холиқий, Пўлатжон Қаюмийлар ташкил этган, халқ болаларини маърифат нурларидан баҳраманд қилаётган "Дорулмуаллимин" таълим-тарбия курси билан бирлаштирилди. Иккисининг қўшилувидан Фарғона вилояти таълим-тарбия техникуми тўла шаклланди ва иш бошлади.

Бир сўз билан айтганда, ҳозирги Фарғона давлат университети ана шу техникум асосида ташкил қилинди".

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу сурат 1924 йилнинг апрель ойида Қўқонда олинган. Сурат 70 йилдан сўнг биринчи марта эълон қилинмоқда.

СУРАТДА: ўтирганлар (чапдан): 1. Муҳаммаджон Холиқий — техникум ташкилотчиларидан, мумтоз адабиёт ва ахлоқ муаллими, 1928 йилда ҳибсга олиниб, отиб ташланган. 2. Ашурали Зоҳирий — мумтоз адабиётимиз, Шарқ адабиёти ва она тили ўқитувчиси, атоқли журналист, техникумнинг ташкилотчиларидан, 1938 йилда ҳибсга олиниб, отиб ташланган. 3. Вячеслав Викторович Илларионов — физика муаллими, қатағон қилинган. 4. Қори-Ниёзий атоқли олим, академик, техникумнинг ташкилотчиларидан бири ва унинг директори. 5. Александр Кузьмич Кудреватов — тиббиёт ва жўғрофия муаллими, марҳум. 6. Александр Баранов — рус тили ўқитувчиси, марҳум; Тик турганлар (чапдан): 1. Эркин Носир — техникумнинг дастлабки битирувчиси ва муаллими, журналист. 2. Абдулла Раҳматзода — техникумнинг биринчи битирувчиси, ўқитувчи ва "Янги Фарғона" газетасининг муҳаррири, 10 йил "миллатчи" сифатида қамалган ва сўнг 1938 йилда отиб ташланган. 3. Носиржон ҳожи Зиёмов — ўзбек маорифининг дарғаларидан, журналист, отиб ташланган. 4. Мухторхон Муҳаммадий — техникумнинг биринчи битирувчиси, муаллим, журналист ва ёзувчи.

**Матнни нашрга тайёрлаган Ҳайдарали УЗОҚОВ.**

## КИЧКИНТОЙЛАР АРДОҚДА

**Марҳамат туманининг Йўлдош Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигига қарашли "Гулноз" болалар боғчасида 40 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Ёш, изланувчан тарбиячилардан Дилбархон Собирова, Мунисхон Мамажонова, энагалардан Саодатхон ва Зулхумор Хўжаназаровалар болалар билан ҳар бир машғулотни қизиқарли ва мазмунли ўтказишяпти. Улар ўғил-қизларнинг нутқини, фикрлаш қобилиятини ўстиришга алоҳида эътибор беришяпти.**

**Болаларнинг она-Ватанга, табиатга муҳаббатини ошириш, нафосат билан ошно қилиш, кичик ёшданоқ жисмоний чиниқтириш боғча тарбиячилари фаолиятининг муҳим қиррасидир. Ана шу мақсадда табиат қўйнига саёҳатлар ва турли хил спорт мусобақалари уюштирилаётир. Тиббиёт ҳамшираси Гулчеҳрахон Нишонова болалар саломатлигини доимо назорат қилиб бораётир.**

**А. ЭРАЛИЕВ.**

*Янги китоблар*

# БУЮК СИЙМОЛАРГА БАҒИШЛАНГАН

1993 йилда Шарқнинг буюк мутасаввуф донишмандлари "Яссавия" тариқати асосчиси, туркий мумтоз шеъриятнинг улуғ вакили Хожа Аҳмад Яссавийнинг 900 йиллик ва Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллик мавлуди шарифлари нишонланди. Шу муносабат билан бир қатор илмий изланишлар чоп этилди. Айни чоғда улар қатори номлари унутилаёзган яна қанчадан-қанча улуғ инсонлар хурмати ҳам бажо келтирилмоқда.

Ўтган йили "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган "Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар" (муаллиф-тузувчи Зуфаржон Жўраев) тўплами муҳим воқеа бўлди. Унда табаррук Турон юртнинг шоншавкатини бутун мусулмон оламига ёйган азим маънавият чинорлари бўлмиш ўнлаб буюк зотларнинг ҳаёти, ижоди ва серқиррали фаолиятлари тўғрисида қизиқарли маълумотлар берилган.

Мазкур тўпламдан республикамиз вақтли матбуотида сўнгги йилларда эълон қилинган мақолалар билан бирга мутахассислар томонидан ёзилган тадқиқий мақолалар ҳам ўрин олган. Жумладан, Тошкент давлат дорилфунуни профессори Нажмиддин Комиловнинг "Тасаввуф", адиб ва олим Маҳкам Маҳмудовнинг "Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар", профессор Ботирхон Акрамнинг "Ҳазрати Баҳоуддин ва Навоий", фалсафа фанлари доктори Абдумалик Орифнинг "Навоий суфийми ёки мутасаввуфми?", Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти катта илмий ходимлари — Султонмурод Олимнинг "Уч буюк тариқат", Нусратулло Жумахўжанинг "Рамзи ҳақиқат эрур ишқи мажоз", маърифатпарвар ношир Шомуҳиддин Мансуров ва шарқшунос Икромиддин Остонақуловларнинг "Ғавсул Аъзам", журналист Тўлқин Ҳайитнинг "Насиба ҳаммага баробар берилади", "Улуғбекнинг ўлдирилишида Хўжа Аҳрорнинг қўли борми?", Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат дорилфунуни умумий тарих кафедраси мудири Зокиржон Қутибоевнинг "Дарёи раҳматига ғарқ қилгай", хўжандлик олим Илёсхон Ғозийнинг "Нақшбандия тариқатининг буюк сиймоси — Маҳдуми Аъзам" каби асарлари шундай тадқиқотлардандир.

Тўплам умрбоқий аждодларимиз номларини дилга жо этган, улар меросининг барча ихлосмандлари, айниқса, ўқитувчилар учун муҳим қўлланмадир.

**И. УСМОНОВ.**

*Спорт*

# ФУТБОЛ МАКТАБЛАРИ КЎПАЯДИ

*Яқинда Тошкент вилоят халқ таълими бошқармасида умумтаълим мактаблари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, педагогика институтлари спорт фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуманда шаҳар, туман халқ таълими бўлими мудирлари, спорт мактаблари директорлари, м раббийлар, жисмоний тарбия уюшмалари бошлиқлари, жисмоний тарбия ўқитувчилари иштирок этишди. Улар оммавий спорт ва соғломлаштириш ишларини ривожлантириш юзасидан амалга оширилган иш якунлари ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Халқ таълими вазирлигининг 1993 йилда чи арилган махсус буйруғи бўйича вилоят таълим-тарбия муассасаларида футболни ривожлантириш тадбирларини муҳокама қилишди. Ҳар иккала масала юзасидан Тошкент вилояти "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамияти раиси муовини Ҳ.Мирзаев маъръузаси тингланди.*

*Муҳокамага қўйилган масалалр юзасидан Олмалиқ шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори М. Козлова, Зангиота туманидаги футбол мактаби мураббийси А.Мирзаев, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги спорт бўлимининг мудири Р.Саломов, Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг муовини П.Ҳотамов, "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши раиси М.Ҳайдаров ва бошқалар сўзга чиқиб, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида футболни кенг оммалаштириш тўғрисида фикр ва мулоҳазаларни баён этишди.*

*Спорт фаоллари йиғилишида жорий йилда Тошкент вилоятидаги бир қатор туманларда фаолият кўрсатиб келаётган олимпиада резервлари спорт мактаблари қошида футбол мактаблари очиш юзасидан тадбирлар маъқулланди.*

**Мухбиримиз.**


## ЭЪЛОН

**Тошкент қурилиш-коммунал коллежи қошида 9 ва 11-синфни битирган ўғил ва қизлар учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича пуллик тайёрлов курси очилади:**

1. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш.
2. Тижорат фаолияти.
3. Сув таъминоти ва оқава тармоқлари ускуналаридан фойдаланиш.
4. Шаҳар электр транспортини ишлатиш, таъмирлаш ва электр қуввати билан таъминлаш.
5. Бино ва ишноотларнинг электромеханик ускуналарини ва автоматика қурилмаларини ишлатиш.
6. Ёғочга ишлов бериш технологияси.
7. Меъморчилик.
8. Бино ва иншоотларни қуриш ҳамда улардан фойдаланиш.
9. Қурилиш буюмлари ва темир-бетон конструкцияларини ишлаб чиқариш.
10. Газ таъминоти тизими ускуналаридан фойдаланиш.
11. Вентиляция ва ички санитария-техника тизими ва ишлаш жиҳозларини ўрнатиш, уларга техник хизмат кўрсатиш.
12. Кўкаламзорлаштириш, боғ ва хиёбонлар хўжалиги.

МАШҒУЛОТЛАР ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Курсга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар шарт:

1. Ариза. (директор номига)
2. Паспорт
3. Маълумоти ҳақида ҳужжатнинг асл нусхаси
4. 086-у шаклдаги тиббиёт маълумотномаси
5. Маъмурият томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчаси ёки кўчирма
6. 6 дона сурат (3х4 см ҳажмида)
7. Ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисида ҳужжат.

Ҳужжатлар 1 мартгача қабул қилинади.

**Коллеж манзили: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси — 32.**

**Тел: 44-24-42.**


Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 83-мактаб маъмурияти ва жамоаси шу мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси

**Зуҳра ҲАКИМОВА**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати ва табииёт-география факультети жамоаси табиий география кафедраси профессори О.Мўминовга акаси

**Файзулла АБДУЛЛА ўғлининг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти жамоаси шу институт нашриёт бўлимининг бўлим бошлиғи Гавҳар Убайдуллаевага отаси

**Файзулло АДБУЛЛАЕВ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.


**«МАЪРИФАТ»**

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Абдусами Ҳақбердиев, Асқар Шокиров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0069. 47894 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6